O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 16 октябрь, жума № 42 (2325). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 16 октября, 2009 год, № 42 (2325). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

...МИЛЛИЙ МУДОФАНИ БАРПО ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ЧУҚУР ТИЗИМЛИ ЎЗГАРИШЛАР НАТИЖАСИДА АРМИЯМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ВА СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ ВА ҚУДРАТИ СЕЗИЛАРЛИ РАВИШДА ОШДИ, ЖАМИЯТИМИЗДА, ДАВЛАТИМИЗДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ НУФУЗИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ЯНАДА ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 октябрь куни Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг Федерал маслаҳатчиси, Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Мишлин Калми-Рэй хонимни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Швейцария муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид турли масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Швейцария Европа давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Тошкентда ўз дипломатик ваколатхонасини очган. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги қатор ҳукуматлараро битимларга асосланади. Мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган.

Ўзбекистонда Швейцария сармояси иштирокида юзга яқин қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг 35 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Тошкентда 1995 йилдан буён "Кредит Свисс" банки ваколатхонаси иш юритади.

Техникавий-молиявий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатга биноан қўшма ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида миллий ва минтақавий аҳамиятга молик йигирмадан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди, ўндан ортиқ лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олган.

Мулоқот чоғида долзарб халқаро сиёсий ва минтақавий муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Оқсаройдаги учрашувда Мишлин Калми-Рэй самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди, Швейцария Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши ва изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 октябрь куни Оқсаройда «Женерал Моторс Интернейшнл Оперейшнс» президенти, «Женерал Моторс» корпорацияси ижрочи вице-президенти Ник Райлини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон автосаноати билан «Женерал Моторс» ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, ушбу учрашув ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Музокара чоғида янги модель линиясини ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш, экспорт бозорларидаги савдо стратегиясини такомиллаштириш, автомобилсозлик саноатида ҳамкорликни ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати муттасил ривожланаётган соҳалардан биридир. «Женерал Моторс» билан ҳамкорлик бошланган нисбатан қисқа даврда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинди, жумладан, янги автомобиллар моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мамлакатимиз автосаноатининг стратегик шериги бўлган ушбу корпорация бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун янги сармоядорларни жалб этишда муҳим роль ўйнайди.

Оқсаройдаги учрашувда Ник Райли самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди, «Женерал Моторс» корпорацияси ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, уни изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги даражасидан мамнуният изҳор этилиб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган аниқ режалар белгилаб олинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 октябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.


Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни, шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби кенг кўламдаги халқаро масалаларни қамраб олишини қайд этди.

Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Афғонистонни иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Роберт Блейк самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, АҚШ маъмурияти Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Нигоҳлар сергакдир, дилда қатъият!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Н И

ДАНИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эркин ва юнон-рум курашлари бўйича жаҳон чемпионатида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга ҳамда ўзбек спорт мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон нефтихори"

Сохиев Заурбек Маирбекович – "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг спортчи-йўриқчиси, эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи"

Арипов Дилшод Хакимжанович – Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар Ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими терговчиси, юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

(Давоми 2-бетда).


5 СИНОВ
ВАТАН СИЗ-ЛА ҚУДРАТЛИ


6 МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА
ШАКЛЛАНАР, ТОБЛАНАР ЮРТНИНГ МАРДЛАРИ


20 ТАШРИФ
АВЛОДЛАРГА ҚОЛУР ҲАҚИҚИЙ САНЪАТ


21 ҚУТЛУҒ САНА
ОНА ТИЛИМ – МИЛЛАТИМ РУҲИ

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Ф А Р М О Н И

ДАНИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Мансуров Дилшод Исматович – «Ёшлик» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўлими мураббийи, эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Фаткуллин Камил Махмудович – Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг юнон-рум кураши бўлими катта мураббийи, юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

“Дўстлик” ордени билан

Джаксиликов Нурлан Ибрагимович – Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи, эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 октябрь

«ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР»

«Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилди чоп этилди.

Маълумки, бу китобнинг биринчи жилди 2006 йилда нашр қилиниб, унга 1991–2005 йиллар мобайнида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари томонидан Президент Ислом Каримов номига йўлланган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга Юртбошимиз йўллаган жавобларнинг танлаб олинган энг эътиборли намуналари киритилган эди.

Сўнгги йилларда диёримизда ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни янги босқичга кўтарилиб, халқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқларда юксак марра ва ютуқларни қўлга киритмоқда. Табиийки, ана шу ютуқларнинг барчаси юртдошларимизнинг фикру зикри, интилиш ва кайфиятининг кўзгуси бўлган, давлатимиз раҳбари номига йўлланган кўплаб хатларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Кенг жамоатчиликни ана шундай фикр-мулоҳазалар билан таништириш мақсадида чоп этилган «Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилдидан 2005–2009 йиллар давомида Юртбошимиз номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

«Маънавият зиёси», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» ҳамда «Дунё эътибори ва эҳтироми» деб номланган бўлимлардан ташкил топган ушбу тўплам Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серқирра фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, юртдошларимизнинг кундалик ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар тўғрисида янги маълумотлар беришга хизмат қилади.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси ўзининг мажлисида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Шунингдек, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳини тузиш, Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилган туркум халқаро илмий-амалий анжуманлар материалларини тайёрлаш ва чоп этиш бўйича таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлаш ва Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

Твои герои, Узбекистан!

ЗА ВЕРНОСТЬ ВОИНСКОМУ ДОЛГУ

Воинам инженерно-саперных подразделений приходится и в мирное время рисковать жизнями, успешно обезвреживая взрывоопасные предметы. Старшему лейтенанту Мухиддину Бекбутаеву не раз приходилось применять в деле знания и навыки, полученные в училище и за время службы.

Еще будучи курсантом выпускного курса Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ), Мухиддин участвовал в проведении показательных занятий в масштабах Вооруженных Сил. Во всей красе было продемонстрировано воинам боевое предназначение инженерных машин самого разного уровня. Тот месяц на полигоне запомнился будущему офицеру на всю жизнь. Он лично убедился, что инженерное обеспечение боя является самой прочной гарантией победы. Твердо усвоил уроки своего наставника офицера Олима Боймуродова.

Став командиром группы инженерно-саперного взвода, молодой офицер основную опору сделал на сержантский состав. И младшие командиры не подвели его. Например, сержанта Уткира Хакбердиева, командира секции инженерно-технической группы, сослуживцы уважают не только как мастера работы на путепрокладчике, но и знатока методической работы с подчиненными.

Образцом военного профессионала является и командир водоочистительной секции младший сержант Амин Хамраев. Войсковая фильтровальная станция на базе автомобиля ГАЗ-66 в любой момент готова по первому требованию убыть в заданный район, чтобы в полевых условиях добывать воду. С высоким качеством обслуживает специальную технику и командир землеройной секции младший сержант Фахриддин Эшкулов.

– Этого офицера отличает высокая воинская дисциплина, исполнительность и требовательность к подчиненным, – так отозвался о старшем лейтенанте М. Бекбутаеве его прямой начальник, начальник инженерной службы части офицер Азамат Ходжаев. – Высокий авторитет командира позволяет ему в любой нештатной ситуации действовать уверенно и находить правильные решения.

Слова известной солдатской поговорки о том, что сапер не ошибается дважды, здесь каждый раз напоминают новым членам воинского коллектива. И потому здесь к проведению занятий по изучению тактико-технических характеристик различных взрывных устройств уделяется самое пристальное внимание. Ведь научно-технический прогресс не стоит на месте, люди год от года изобретают все более совершенные смертоносные приспособления.

За большие заслуги в повышении боевой и политической подготовки, обеспечении спокойствия нашего народа, а также проявленное мужество, отвагу и самоотверженность при выполнении служебного долга старший лейтенант Мухиддин Бекбутаев Указом Президента Республики Узбекистан награжден медалью «Шухрат».

Высокая награда Родины вдохновляет молодого офицера на новые достижения в его нелегком воинском труде.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото автора.



АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ И БДИТЕЛЬНОСТЬ

Состоявшаяся недавно в Ташкенте и Нукусе Международная выставка ИКТ Экспо-2009 еще раз подтвердила, что начало XXI столетия ознаменовалось стремительным развитием информационных и коммуникационных технологий. И как следствие этого все острее и значимее становятся вопросы информационной безопасности. Хотя термин «информационная безопасность» появился не столь давно, он уже достаточно прочно вошел в наш лексикон, и мы, как это нередко случается, стали к нему постепенно привыкать, а значит, и терять остроту восприятия.

Но жизнь, стремительное развитие ИКТ, обстановка в мире требуют иного, более действенного к ней отношения, поскольку в условиях глобализации формируется единое информационное пространство, а сама информация становится очень важным ресурсом человечества.

Информационная безопасность – важная часть национальной безопасности. Это понятие очень широкое. Мы понимаем ее как систему взаимосвязанных политических, экономических, дипломатических, информационно-технологических и военных мер, направленных на предотвращение, снижение или нейтрализацию противодействующих нам, а нередко открыто агрессивных, информационных, печатных, электронных и иных враждебных проявлений со стороны государства, коалиции государств, либо со стороны фирм, групп, центров или иных структур, предусматривающих адекватные мероприятия.

При современном развитии ИКТ, которые уже сегодня прочно входят во всю нашу общественную жизнь, во все сферы экономики, в науку, культуру, образование, в органы государственного управления, увеличивают степень взаимодействия государства и населения, государственных структур и бизнеса, **нам нужна постоянно действующая, эффективная система информационной защиты.** Такая система, которая бы в условиях рынка повышала конкурентоспособность коммерческих структур, обеспечивала устойчивость и надежность органов управления.

Речь идет не только об антивирусной защите, защите почты от спама, о «родительском контроле» при доступе к ресурсам сети интернет, а прежде всего **об эксклюзивных технологиях,** которые бы надежно защищали интересы государства, коммерческих организаций, персональные данные клиентов и технологические процессы по обработке, хранению, передаче информации.

Обратимся снова к прошедшей выставке. Она изобиловала новшествами. А там, где новое, там, как правило, успех. Успех у одних – это естественное желание узнать как можно больше о новом, а выловить, высмотреть, вытянуть из кого-то или из чего-то секрет этого успеха – у других. Речь идет о том, что инновации характерны для всех сфер жизни общества, и нам важно, чтобы обеспечить лидерство, надо научиться хранить секреты и, главное – добиться широкого внедрения современных инновационных технологий. Эти технологии дадут мощный толчок для нового подъема всех отраслей нашей экономики и выхода Узбекистана на новые рубежи, обеспечивающие конкурентоспособность нашей страны на мировом рынке.

Но это, так сказать, техническая сторона дела. И оно решается в стране успешно, что и подтверждает прошедшая выставка. Речь о другом. Мы с вами знаем, что информационная безопасность осуществляется усилиями государства, его структур и всего народа, предусматривает широкий комплекс проблем и практических вопросов в сфере экономики, политико-дипломатической деятельности, информационно-технологической и военной. Среди этих проблем есть одна, как говорят – нестареющая проблема, – это **формирование оборонного сознания общества, воспитание людей в духе патриотизма, формирования у них идеологической устойчивости к любым проявлениям чуждой нам идеологии и морали, навязывания нам неприемлемых для нас «демократических» стандартов и иных идей, повышения уровня военно-патриотического воспитания молодежи, укрепления в сознании людей, особенно военнослужащих, ответственности за судьбу страны, укрепление ее независимости и безопасности.**

Формирование идеологической устойчивости не происходит само по себе, оно достигается глубоко продуманной воспитательной работой, которая в современных условиях требует активизации и консолидации усилий всех государственных структур, духовно-просветительских и общественных организаций. В Вооруженных Силах командиры всех уровней, органы воспитательной работы, все офицеры и сержанты должны рассматривать ее и прежде всего ее контрпропагандистскую направленность, как одну из важнейших сфер своей повседневной деятельности, памятуя наказ главы нашего государства – **«быть еще более бдительными, внимательными и своевременно делать соответствующие выводы».**

Что для этого необходимо, какие основные моменты следовало бы выделить в содержании всего духовно-нравственного воспитания и политической подготовки наших военнослужащих?

Прежде всего всем нам необходимо глубоко осознать, что **успех воспитания всецело зависит от подготовленности воспитателя,** его знаний, методического мастерства, его убежденности и эмоционального настроя. Мы учим своих подчиненных знать технику и вооружения, решать тактические задачи, запоминать формулы, знать законы, тактически мыслить и грамотно действовать. Но сегодня, как никогда, очевидно, что знания еще не обеспечивают нравственного поведения, не делают человека чутким и внимательным. Нужны убеждения. А чтобы знание и слово стали убеждением и побуждением к действию, нужно, чтобы каждое занятие, каждое воспитательное мероприятие было творческим актом, в котором бы воспитатель – офицер, сержант – и его слушатель сливались в одно целое и вместе были восхищены и устремлены в будущее. А это достигается трудом души воспитателя, совместными усилиями интеллекта и чувств.

Поэтому наша задача **не ограничивать свою роль лишь информационной стороной дела, а вкладывать в него свою душу, свои эмоции и свою убежденность.** Надо твердо усвоить, что в просветительской, воспитательной работе нет ни одного занятия или мероприятия, где бы можно было пренебречь эмоциональной энергией передаваемого материала, его гуманистическим смыслом.

Во-вторых, мы живем в такое время, когда борьба за умы и сердца людей приобретает особую значимость, и когда важнейшим оружием воспитателя является **фактический материал, реальность наших достижений, правда жизни.** Поэтому надо глубоко осознать, что успехи нашей работы по формированию оборонного сознания немыслимы без повседневной пропаганды и разъяснения величия наших достижений за годы независимости, в основе которых должны быть положения и выводы доклада и выступления главы нашего государства, прозвучавших на торжествах, посвященных 18-летию нашей независимости и 2200-летию города Ташкента. В этом **особая роль принадлежит руководителям групп общественно-политической подготовки** и офицерам, проводящим занятия по планам Дней общественно-политических и правовых знаний. **Руководитель группы общественно-политической подготовки – ключевая фигура в идейно-политическом, духовно-нравственном и воинском воспитании, и их подготовке необходимо уделять самое пристальное внимание.** Практикой доказано, что лучшие руководители, владея яркой и разнообразной палитрой методических приемов добиваются не только глубокого усвоения материала, но и высокой действенности общественно-политических занятий, их огромного влияния на личностное, профессиональное и духовно-нравственное становление военнослужащих.

В-третьих, как подчеркивает глава нашего государства, **«достигнутые нами успехи не должны порождать эйфорию и беспечность».** Более того, мы должны быть идейно и нравственно готовы противостоять любым идеологическим нападкам. Значит, наши офицеры-воспитатели, просветительские кадры, а точнее все офицеры и сержанты, должны быть хорошо осведомлены о коварных замыслах и целях наших недругов, ясно представлять что и в какой форме, по каким каналам они попытаются протащить к нам свои бредовые идеи, ложь, инсинуации и подтасовки.

Из способов проникновения чуждой нам идеологии и морали следует особо выделить радио и телевизионную пропаганду, интернет, распространение печатных и рукописных изданий, к которым должно быть особое внимание. Да и сами мы должны почаще задумываться над тем, что мы передаем и как показываем.

В-четвертых, необходима **актуализация всего комплекса воспитательной работы** и прежде всего духовно-нравственного и воинского воспитания, усиления наступательности в ее содержании. Актуализация должна осуществляться по двум главным направлениям. Во-первых, за счет насыщения существующих непреходящих, жизненно необходимых в воинской службе тем проблематикой актуального идейно-политического и духовно-нравственного звучания. И во-вторых, за счет актуализации содержания всего учебно-воспитательного процесса. Эта актуализация должна идти в русле установок Президента страны, четко сформулированных им в Обращении, посвященном 17-летию Вооруженных Сил Узбекистана, выводов и предложений, изложенных в выступлениях, посвященных 18-летию государственной независимости Узбекистана и 2200-летию города Ташкента. А также за счет глубокого изучения современной военно-политической обстановки в мире и регионе. Что касается наступательности, то она – в глубине наших знаний, в нашей убежденности и умении давать решительный отпор любым идеологическим поползновениям врага, любым провокационным слухам, инсинуациям и идейным фальшивкам.

Эта работа неотделима от воспитания наших офицеров, сержантов и солдат в духе высочайшей бдительности, значение которой в современных условиях неизмеримо возрастает. Бдительность нужна не только тому, кто несет боевое дежурство или стоит на посту, но и во всей повседневной жизни. Быть бдительным, значит решительно разоблачать и тех, кто сознательно или несознательно поет с чужого голоса, распространяет различные слухи. Тут нужна особая бдительность и внимательность – умение за «бездумной» фразой увидеть идеологическую провокацию врага.

Вот почему, указывает глава государства, в современных условиях **«дальнейшего совершенствования требует морально-психологическая, общественно-политическая подготовка военнослужащих».** Сегодня, как никогда, неизмеримо возрастает роль и значение общественно-политической подготовки личного состава, всех форм и методов воспитательной работы. В этой связи хотелось бы обратить внимание командиров, заместителей по воспитательной работе, всех офицеров и сержантов на то, что каждое мероприятие – беседа, лекция, тематический вечер, семинар или читательская конференция – должно готовиться основательно, продуманно, интересно. И чтобы ни один из ваших подчиненных не остался вне духовно-нравственного влияния, как и ни один, даже самый малозначительный вопрос не остался без вашего принципиально правильного ответа.

Все это требует от военных кадров высокой духовности, глубоких теоретических знаний, методического мастерства, умения вести полемику и умения убеждать. Убеждать не криком, не высокой нотой, а доводами, фактами наших величайших достижений, идеалами независимости и горячей любовью к своей независимой Родине. Идейная вооруженность, решительность, убежденность в правоте дела независимости, верность Родине, народу и Президенту – вот важнейшие слагаемые нашего успеха в решении задач информационной безопасности в формировании воина-патриота, воина-бойца, беспредельно преданного идеалам независимости, бдительно стоящего на защите священных рубежей родной Отчизны.

Анфим ХЛЫЗОВ.

СИНОВ

МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАР

Назорат синов машғулотлари қизғин давом этаётган айни кунларда офицер Ҳамид Хўжамов командирлик қилаётган бўлинма шахсий таркиби ҳам ўзларининг ҳарб илми борасида қай даражада билим ва малака соҳиби эканликларини намоён этишиб, зафарли одимлар ташлашни бошладилар. Анъанага кўра дастлаб саф кўриги ва саф тайёргарлиги машғулотлари назорати билан бошланган синовлар белгиланган режага мувофиқ кейинги босқичларда муваффақиятли тарзда давом этди.

МАЙДОН УЗРА МАҒРУР ЛОЧИНЛАР

Саф! Бу сўз замирида қанчалар чуқур мазмун ва маъно мужассам. Бу калом зиммасидаги муқаддас бурчини адо этиб, бугун посбонлик дамларини ширин хотираларида асраётган катта авлод вакиллари ёки энди аскар бўлишга чоғланаётган ёшларимиз кўнглига ажиб туйғуларни солади. Беихтиёр кўз ўнгингизда майдон узра бир текис тизилишган, эгниларига кийган кўркам ҳарбий либослари ярашиб турган ўғлонлар ва уларнинг ғайрат-шижоатдан чақнаган кўзлари, норғул қад-қоматлари намоён бўлади.

Ҳа, бу манзара қайноқ ҳарбий хизматнинг фақат ўзигагина хос бўлган жиҳатларидан биридир, десак хато қилмаймиз. Бироқ юрт мардлари қатори ана шу сафларда кўкрак кериб туришнинг ҳам ўзига яраша талаблари, машаққатлари борлигини унутмаслик керак. Ўтказилаётган саф кўриги синовларида уларнинг бу борадаги тайёргарликлари синалади. Яъни саф кўригида ҳар бир посбон ўзига бириктирилган қурол-аслаҳаси ҳамда зарур асбоб-анжомлари билан шай туриши шарт. Назорат синов машғулотлари комиссияси таркибида иштирок этаётган масъул офицерлар ҳарбий хизматчиларнинг ана шу шайликларини кўздан кечирадилар. Бундан ташқари саф кўригида ҳар бир посбоннинг ўз қурол-аслаҳаси ва асбоб-анжомлари ҳақида тўлиқ билиши, уни қачон ва қаерда қўллашни ўзлаштирганлиги имтиҳон қилинади.

Шунингдек, посбонларнинг Умумҳарбий низомлар қоидаларига биноан буйруқларни сафда тўғри бажара олишлари, қурол билан ва қуролсиз, якка ҳолда ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланишлари, шунингдек, командирлик салоҳиятлари синалади.

Посбонларнинг қурол-аслаҳа ҳамда асбоб-анжомлари кўрикдан ўтказилиб, назарий савол-жавоблар поёнига етгач, бўлинма шахсий таркиби шахдам қадамлар билан, гуруҳ-гуруҳга бўлинган ҳолда ва саф қўшиғини айтиб саф юришини адо этдилар. Бунда ҳар бир гуруҳнинг алоҳида ажралиб туришга ҳаракат қилиб, илғорликка интилаётгани, яъни жамоавий жипслик яққол кўзга ташланди. Саф кўриги муваффақиятли якунланди. Шахсий таркиб умумий натижаси ижобий баҳоланди.

– Бўлинмамиз ҳарбийлари учун ҳушёрлик ва доимий жанговар шайлик муҳим ҳаётий шиорга айланган, – дейди офицер Бахтиёр Абдураҳмонов фахр билан. – Шу боис қолган назорат синовларини ҳам муваффақиятли якунлаймиз, дея бемалол ишонтириб айта оламан. Гуруҳ ва взводлар ўртасида ўзаро мусобақадошликнинг йўлга қўйилганлиги илғор натижага эришишимизда муҳим омил бўлмоқда.

ЖАНГОВАР АРҒУМОҚ ЖИЛОВИН ТУТИБ

Юртимиз осойишталиги йўлида шараф билан хизмат қилиб, бунёдкор халқимизнинг фаровон турмуш тарзини мустаҳкам кафолатлашдек эзгу мақсадни кўзлаган мардларимизга машаққатли ва масъулиятли бурчларини адо этишда қурол-аслаҳа ҳамда жанговар техникалар мисоли қўш қанот вазифасини ўташини яхши биламиз. Чунки қўйилган вазифаларни сифатли ва тезкор уддалашда ҳарбий техникаларнинг ёрдами катта бўлса, жанговар яроғ посбонга хизмат давомида ҳар дам ҳамроҳдир. Шу боис юртимиз ҳимоячилари ўзларига бириктирилган қурол-аслаҳа ҳамда жанговар техникаларни эҳтиёт қилиб сақлаш, таъмирлаш ва бутлашга жиддий эътибор қаратадилар. Машғулотлар сирасидан ўрин олган техник тайёргарликларда уларнинг бу борадаги билим ҳамда кўникмалари мустаҳкамланиб борилади. Техник тайёргарликнинг маълум қисми ҳисобланган ҳарбий автомобилларни бошқариш машғулотини ҳам ана шундай маҳорат сабоқларидан десак, хато қилмаймиз.

Дала-ўқув машғулотлари ўтказиладиган майдоннинг ҳарбий автомобилларни бошқариш учун ҳар томонлама мослаб тайёрланган қисмидамиз. Қисм ҳайдовчи ва офицерлар шахсий таркиби назорат синовларини адо этишмоқда. Бунда ҳарбий хизматчи газниқоб таққан ҳолда юксиз автомобиль билан сунъий ва табиий тўсиқлардан ўтиши зарур. Ҳаракатланиши давомида унинг машинани ўт олдириши, олдинга ва ортга бошқариши, тезликни меъёрида сақлаши, тўсиқлардан ўтаётгандаги ва кескин бурилишлардаги маҳорати, тўхташи, хуллас, барчаси ҳисобга олинади. Худди шундай машқлар тунда ҳам ўтказилади. Унда автомобилларни ёритиш чироқлари ёрдамида ҳаракатлантириш талаб этилади.

– Автомобилни бошқариш бўйича посбонларда билим, маҳорат ва малака етарли экани кўриниб турибди, – дейди машғулот сўнгида назорат синов комиссияси аъзоси офицер Баҳром Аллаёров. – Кутилганидек, офицерлар таркиби фақат аъло натижаларни қайд этишди. Қувонарли томони, сержантлар ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳол уларнинг профессионал ҳарбий хизматчи, деган номга ҳар жиҳатдан муносиб эканликларини яққол англатади.

– Техникаларга ёшлигимдан қизиқаман, – дейди илғор натижага эришган кичик сержант Ислом Рўзиев. – Шу боис муддатли ҳарбий хизматга қадар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобилчилар тайёрлаш мактабида ўқиб, ҳайдовчилик сирларини ўргандим. Мана, етти йилдан буён шартнома асосида хизмат қилиб, жанговар техниканинг жиловини қўлимда тутиб, муваффақиятли бошқариб келаяпман. Ўзимга бириктирилган техникани таъмирлаш, бутлаш ва мавсумга мослаштириш каби юмушларини ўзим амалга ошираман. Бу борада соҳа сирларини малакали офицерлар Зафар Бадалов, Аҳрор Бердиев, Нуриддин Жўрақулов ҳамда кичик сержант Озоджон Эгамназаровлардан ўрганаяпман.

Маълумки, жанговар техникаларни ҳар куни кўрикдан ўтказиб, таъмирлаб туришда гап кўп. Зеро машиналарни ўз вақтида кўздан кечириш ва доимо шай тутиб, кўз қорачиғидай асраб-авайлаш келгуси муваффақиятларда муҳим омил бўлади. Чунки яхши қаралган ва асраб-авайланган техника ҳамда қурол-яроғ посбонга масъулиятли хизмат вазифасини адо этаётганида сира панд бермайди.

– Ўзимизга бириктирилган ҳарбий техникаларни ҳар куни кўрикдан ўтказамиз, – дейди юксак натижага эришган яна бир профессионал ҳарбий, кичик сержант Ғофир Қурбонов. – Унда асосан, машиналарнинг созлиги, тозалиги, ёритиш чироқларининг равон ишлаши, ғилдираклари ва шиналар, винт-гайкаларнинг яхши қотирилганлиги, тўхтатиш тизими, мойи, радиатори, суви ва ҳоказо қисмлари кўздан кечирилади. Борди-ю, камчиликлар топилса, дарров бартараф этилади. Зарур бўлганда эҳтиёт қисмлар алмаштирилади. Бу борада ҳайдовчининг масъулият ҳиссини тўла англашида гап кўп. Агар у ўзига бириктирилган техникага оқилона муносабатда бўлса, машинаси ҳам шунга яраша узоқ вақт сифатли хизмат кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳеч қандай нуқсони бўлмаган, барча мурватлари мукаммал ишлаётган техника билан муваффақиятга эришишга шубҳа йўқ. Бу борада посбонларимизнинг етарли даражада билим ва кўникмага эга эканлигини улар билан суҳбатлашиб, яна бир бор англаб етдик. Айнан шу билим ва кўникма ҳамда масъулият ҳиссини англаш туйғуси уларнинг юқори натижаларга эришишини таъминлади, десак хато қилмаймиз.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



СИНОВ

ВАТАН СИЗ-ЛА ҚУДРАТЛИ

ИЛҒОР ГУРУҲ

Мана, ниҳоят, посбонлар учун ғоят масъулиятли дамлар, назорат-синов машғулотлари бошланди. Мазкур жараёнда юрт ҳимоячилари ўзларининг жанговар маҳоратларини намойиш этадилар, ҳарбий санъат борасида эгаллаган билим ва кўникмаларини яна бир бора жиддий синовлардан ўтказадилар.

Капитан Ленур Сулаймонов бўлинмаси илғорлар қаторида тез-тез тилга олинади. Назорат синов машғулотларида ҳам бўлинма азаматлари ўзларини кўрсатдилар. Айниқса, ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан дастлабки назорат-синов имтиҳонларида посбонлар юқори натижаларни қайд этдилар. Бунда ёш офицер Дониёр Ҳасанов ва у командирлик қилаётган гуруҳ ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак арзийди. Лейтенант Ҳасановнинг офицерлик фаолиятига кўп бўлгани йўқ. Аммо у қисқа вақт ичида кўп йиллик тажриба ва маҳорат эгаси бўлган устоз офицерларнинг қўллаб-қувватлаши ва йўл-йўриқлари билан жамоада ўз ўрнини муносиб эгаллади. Ёш офицер Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаган. У ўзи таҳсил олган билим юртига, жанговар санъат сирларидан таълим берган устозлари ишончини ҳар томонлама оқлашга, уларга муносиб бўлишга интилиб келмоқда.

Офицер Бахтиёр Алижонов унга қисқагина шундай баҳо беради:

– Изланувчан, билимли, талабчан. У тез орада маҳоратли, тажрибали офицерлар сафидан жой олишига шубҳа йўқ.

Ёш офицер ўзига билдирилган ишончни дастлабки синовлардаёқ оқлади. Назорат-синов машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритди. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида тест синовларини унинг гуруҳи муваффақият билан топширди. Синовларни қабул қилаётган офицер Аҳрор Абдураҳмонов ёш офицер ва унинг гуруҳи ҳақида ўз мулоҳазаларини шундай баён қилади:

– Тест саволлари анчагина мураккаб тузилганлиги боис синов олдидан посбонларга тушунмаган мавзулари бўйича савол билан мурожаат этишлари мумкинлигини айтиб ўтдим. Посбонларни кузата туриб, уларнинг савол билан мурожаат этиш хаёлларига ҳам келмаётганини сездим. Орадан кўп ўтмай дастлабки жавобларни топшира бошладилар. Биринчи бўлиб жавобларни ёзиб топширган лейтенант Дониёр Ҳасановнинг варақасини қизиқиб кўра бошладим. У ҳамма саволларга тўғри жавоб белгилаган эди. Қойил қолса арзийди. Унинг гуруҳи ҳам ёш командирдек билимдонликларини намоён этишди. Улар биргина мана шу синовдаёқ нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Посбонларни машғулотлар жараёнида кузатар эканмиз, шарафли касб эгаларининг юрагида жўш урган садоқат, ватанпарварлик, фидойилик туйғулари уларнинг муваффақиятига асосий омил бўлаётганлигини англаб оламиз.

КУЧ, ИРОДА, МАҲОРАТ СИНОВИ

Юксак жанговар шайлик асосларидан бири бу – жисмоний етукликдир. Шу сабабли ҳам шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлигига катта эътибор қаратилади. Ҳарбий қисмларда спорт шаҳарчаларининг ташкил этилганлиги, спорт заллари, тренажёрлар, мунтазам ўтказиб туриладиган спорт беллашувлари – буларнинг барчаси шу мақсадга қаратилгандир.

Назорат-синов машғулотларида офицерлар Мирзоҳид Қурбонов, Анвар Эгамқулов бўлинмалари ҳам муваффақият билан қатнашмоқда. Айниқса, жисмоний тайёргарлик борасида посбонлар ўзларини кўрсатишди. Яқин ва олис масофага югуриш, турникда тортилиш – буларни посбонлар шу қадар иштиёқ билан бажаришдики, таҳсин айтсангиз арзийди.

Назорат-синов машғулотлари посбонлар учун куч ва маҳорат синаладиган ўзига хос мардлик майдонидир. Бу жараённи «ғалвир сувдан кўтариладиган палла»га қиёслаш мумкин. Йил давомида олиб борилган ўқув машғулотларининг сарҳисобидир, десак ҳам хато қилмаган бўламиз.

Мана, жисмоний тайёргарлик машғулотларидан дастлабки синовлар ҳам бошланди. Майдонда турган посбонларнинг ҳаяжони кузатувчиларга ҳам «юқди». Барчанинг диққат-эътибори майдонга қадалди. Офицер Бобур Каримов посбонларнинг тезлик кўрсаткичларини эълон қила бошлади. Кўрсаткичлар қувонарли эди. Офицер Шуҳрат Тўхтамуродов синовдан муваффақият билан ўтган посбонлар номини қайд қилар экан, лейтенант Шуҳрат Пармонов, кичик сержантлар Дилшод Юнусов, Қаҳрамон Авазовларни алоҳида тилга олиб ўтди. Булар сараларнинг сараси, дея эътироф этилди.

Турникда тортилишнинг ўзига хос қоидалари, талаблари бор. Мазкур синов шартининг талаблар даражасида бажарилиши олдидан мутахассис офицерлар посбонларга йўл-йўриқ бердилар. Бунда ҳам посбонлар ўз маҳоратларини бекаму кўст намойиш этишди. Айниқса, кичик сержант Кўчкин Мирзаев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Юсуфхўжа Абдуазизов турникда тортилиш бўйича сафдошларига намуна бўлдилар.

КОМАНДИРНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

Биз командирнинг шахсий намунаси деган иборани тез-тез тилга оламиз. У ҳар томонлама қўл остидагиларга ўрнак бўлиши лозим. Айнан ана шу ҳолатнинг ёрқин ифодасини жисмоний тайёргарлик машғулотларида кўриб, гувоҳи бўлдик.

Олис масофага югуриш бўйича синов ҳам старт олди. Бунда нафақат куч, балки кучни масофага тўғри тақсимлай билиш, тезлик маромига амал қилиш талаб этилади. Олис масофага югуришнинг мураккаб жиҳатларидан бири ҳам шунда. Ниҳоят, кузатувчилар белгиланган вақтда биринчилардан бўлиб етиб келган посбонларни қайд эта бошладилар. Даставвал капитан Собир Қаландаровнинг номи эълон қилинди. Ҳа, Қаландаров олис масофага югуриш бўйича энг юқори кўрсаткични намойиш этди. Бу албатта, таҳсинга сазовор. Аммо эътиборимизни тортгани бошқа нарса бўлди.

У биринчи бўлиб етиб келгач, яна енгил югуриб ортига қайта бошлади. Маълум масофага боргач, яна посбонлар билан бирга югуриб, уларга ҳар бирини исмларини айтиб далда бера бошлади: «юз метр масофа қолди, баракалла!», «жуда яхши, жуда яхши». Буни қарангки, югураётганлар сафида яна-да жонланиш пайдо бўлди. У ҳатто, энг орқада келаётган посбонни ҳам руҳлантира олди.

Собир Қаландаров Чирчиқ олий танк қўмондонлик-мухандислик билим юртини 2002 йилда тамомлаган. Мазкур билим юрти бугун Қуролли Кучларимиз сафларида фидойиларча хизмат қилаётган кўпдан кўп истеъдодли собиқ курсантлари билан фахрланса арзийди. Капитан Қаландаров ҳам ҳарбий хизматнинг дастлабки кунлариданоқ иқтидорли ёш мутахассис сифатида сафдошларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

– Биз назорат синов машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритамиз деб ишонаман, – дейди капитан Собир Қаландаров. – Дастлабки ютуқларимиз кўзга кўриниб қолди, десам нокамтарлик бўлмас. Бўлинмамизда ҳарбий спортчилар, жанговар тайёргарлик аълочилари кўпчиликни ташкил қилади. Кичик сержантлар Хайрулло Усмонов, Аҳмаджон Эргашев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ёқут Астанов каби илғор посбонлар жамоамизнинг ҳамиша биринчилар сафида бўлишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Собир Қаландаров хизматда эришган ютуқлари туфайли бир неча бор қисм қўмондонлиги томонидан рағбатлантирилган. Ўйлаймизки, у бундан кейин ҳам ана шундай кўтаринки руҳда ўзининг етакчилик қобилиятини намоён қилиб боради.

Мухтасар қилиб айтганда, посбонларимиз масъулиятли дамларда Ватан олдидаги бурчларини янада теранроқ ҳис қилиб, назорат-синов машғулотларида муваффақият билан иштирок этмоқдалар. Ва бу билан юрт тинчлиги, осудалиги ишончли қўлларда эканлигини амалда намойиш этмоқдалар.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

УСПЕШНЫЙ СТАРТ

– Предстоящие контрольные занятия мы намерены сдать на хорошо, – сказал накануне сдачи проверки командир группы старший лейтенант Рамзиддин Аязов. Подтверждением этому послужили положительные отзывы проверяющих уже на начальном этапе главного экзамена года.

– Проверка внешнего вида личного состава, материально-технической базы подразделения, документации показала, что воинский коллектив со всей серьезностью отнесся к предстоящим испытаниям, – подвел черту первому этапу представитель проверочной комиссии.

Рядовые по контракту гранатометчик Шерали Джураев, заряжающие Аброр Турдиев, Искандар Абдукаримов, командир расчета Хусниддин Султанов и водитель Алимардон Бекмурадов своими уверенными действиями доказали, что на занятиях в классах и поле их усилия не были затрачены впустую.

– Проверка практических навыков по выполнению нормативов по защите от оружия массового поражения данных военнослужащих показала, что большинство из них значительно опережали время норматива, – говорит офицер вышестоящего штаба, – а потому подразделение вполне заслуживает высокого балла.

– Настрой, у нас решительный, дух – боевой! – сказал в беседе рядовой по контракту Ш. Джураев. – В ходе проверки за учебный год мы намерены получить по всем дисциплинам только положительные оценки.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».



Профессионал асосда шаклланган миллий армиямизнинг куч-қудрати Ватан ва халқ ўз хавфсизлигини ишониб топширган мард ўғлонларнинг юксак маънавий-маърифий тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

МАҲОРАТ

Малака ошириш факультетларида

ШАКЛЛАНАР, ТОБЛАНАР ЮРТНИНГ МАРДЛАРИ

Бугунги кунда миллий армиямиз сафлари ҳар томонлама етук, ҳарбийликни шунчаки касб эмас, Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурч санайдиган ўғлонлар билан бутланиб, профессионал асосда шаклланяпти. Соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиланишлар эса қалбингизни фахрга, ғурурга тўлдиради.

Жумладан, ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш, ҳарбийларнинг билим ва маҳоратини ошириш, уларни профессионал даражада тайёрлаш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Айниқса, офицерлар таркибининг билим, малакасини ошириш, жанговар қобилиятини янада шакллантириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Олий ҳарбий билим юртлари ҳузурида ташкил этилган офицер кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетларининг бу борадаги аҳамиятига алоҳида тўхталиш мумкин. Айни кунларда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳузуридаги малака ошириш факультетида ҳам навбатдаги тингловчилар сабоқ олишяпти. Уларга билим юртининг тажрибали офицерлари ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат ўқитувчилар замон талабларига мос равишда назарий ва амалий машғулотлар асосида пухта билим беришяпти.

– Мазкур малака ошириш факультетида тингловчилар белгиланган муддат мобайнида пухта сабоқ олишиб, билим ва маҳоратларини мустаҳкамлашади, – дейди офицер Абдували Қамбаров. – Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Яъни замон талабларига мос равишда жиҳозланган ўқув хоналари, компьютер тренажёрлари, амалий машғулотлар ўтказиш майдончалари, спорт зали ва шаҳарчаси, ҳарбий соҳага оид ва бадиий-илмий адабиётларга бой кутубхона улар ихтиёрида. Шунингдек, уларнинг яшаш ва дам олиш шароитларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Энг қувонарлиси, бу ерга келган офицерлардаги интилиш, тиришқоқлик, кўпроқ билим олишга ҳаракат қилиш, ўқув жараёнларининг юксак савияда ўтишида муҳим бўлаяпти. Биз олдимизга қўйган мақсадга эришаяпмиз, деб бемалол айта оламан. Чунки тингловчиларнинг аксарияти қисқа фурсат ичида ўзини ҳар томонлама кўрсатиб, қанчалар билим ва тажрибага эга эканликларини намойиш қилиб улгуришди. Ўйлайманки, факультетда малакасини ошираётган бу офицерлар Қуролли Кучларимиз жанговар қобилиятини янада оширишга улкан ҳисса қўшадилар.

Дарҳақиқат, ўқув хоналарига кирар эканмиз, тингловчиларда сабоқ олиш, малакани оширишга интилиш кучли эканини илғаймиз. Танкдан нишонга отиш машғулотини тренажёрда машқ қилаётган ҳарбийлардаги маҳорат, эпчиллик ва ҳаракатчанлик бизни янада қувонтирди. Машғулотни тажрибали офицер Беҳзод Давлетов юксак савияда олиб бориб, тингловчиларга имкон қадар кўпроқ билим беришга ҳаракат қилаяпти.


– Мазкур курсда олаётган сабоқларимиз хизмат фаолиятимизда асқотиб, биздан янада катта масъулият талаб қилади, – дейди офицер Дилшод Алибоев. – Қисқа фурсат бўлсада, соҳамиз бўйича зарурий билимларни олишимизга имкон ва шароит бор. Албатта, бундан унумли фойдаланган ҳолда кўп йиллик тажрибага эга офицерлардан сабоқ олиб малакамизни янада ошираяпмиз. Айниқса, компьютер техникаси асосида олиб борилаётган машғулотлардан янада кўпроқ нарса ўрганишга интилаяпмиз. Дейлик, компьютерда нишонни аниқ мўлжалга олиш машқини яхши ўзлаштирсак, дала шароитида ўтказилаётган амалий машғулотларда янада осон бўлади.

– Алоқа тайёргарлиги бўйича тингловчилар алоқа воситалари билан ишлаш ва ундан фойдаланиш, уларнинг замонавий турлари ҳақида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишмоқда. Бугунги янгиланиш, ўзгариш ва техника ривожланган даврда мана шундай малака ошириш факультетларининг ўрни ниҳоятда катта деб, ўйлайман. Чунки бу ерда фан-техника ва ҳарбий соҳадаги эришилган ютуқлар, замонавий қурол-аслаҳа ва техникалар ҳақида атрофлича маълумотлар олинади, – дейди офицер Ғайрат Мирзақулов.

Шунингдек, мустақил тайёргарлик жараёнида кимдир кутубхонада адабиёт мутолаа қилса, яна кимдир жисмонан чиниқмоқда.

Умуман айтганда, тингловчилар яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, ҳарбий соҳа бўйича пухта билим олишиб, тажрибаларини бойитишмоқда. Ишончимиз комилки, малака ошириш факультетида ўқиб, билим даражасини янада юксалтирган офицерларимиз миллий армиямиз сафларида муносиб хизмат қилишиб, Ватан ҳимоясига ҳамиша камарбаста бўлажаклар.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.



Бдительность – наше оружие

ЗА ОТЛИЧИЕ В КАРАУЛЕ

Недаром говорится, что несение караульной службы – выполнение боевой задачи. Охрана и оборона военных объектов и войскового имущества требует от всего личного состава точного соблюдения уставных положений, высокой бдительности, непреклонной решимости и инициативы.



Командира группы мотострелкового взвода, младшего сержанта Омаджона Турдиева нередко назначают начальником караула, с учетом его опыта и высокого уровня знаний Устава гарнизонной и караульной служб. Военный профессионал наметанным взглядом сразу определяет степень готовности того или иного солдата к несению службы в качестве часового, во время занятий с воинами в караульном помещении умело и доходчиво объясняет им самые основные уставные положения.

В наш приезд сержант доводил личному составу караула порядок разряжения оружия на специальном стенде после смены с поста.

– Казалось бы, очень простое и рутинное дело, – говорит начальник караула. – Однако в процессе обращения с боевым оружием недопустимы упрощенчество и легковесный подход. Ведь любая неосторожность, элементарная невнимательность могут привести к самым печальным последствиям или огнестрельным травмам.

Хотелось бы напомнить, что оружие заряжается по правилам, указанным в руководствах по стрелковому делу, при этом патрон в патронник не досылается. Автомат заряжается снаряженным магазином. Перед заряжанием он осматривается (при этом курок спускается) и ставится на предохранитель. Затворная рама после подсоединения магазина назад не отводится.

Вот и по возвращении с постов каждой смены при произведении боевого расчета личного состава караула на резервные группы, младшим сержантом О. Турдиевым ставятся задачи на случай нападения на охраняемые объекты или караульное помещение и на случай пожара.

Рядовой срочной службы Элёр Хожаназаров, призванный в ряды Вооруженных Сил из Ташкентской области, недавно отличился в составе караульного наряда, действуя в роли часового. Бдительный воин заметил нарушителя границ поста, пытавшегося проникнуть на охраняемый объект. С помощью оперативно вызванной подмоги нарушитель был задержан, а бдительному солдату была объявлена благодарность от командования части.

– Моральное поощрение бдительного несения караульной службы имеет огромное воспитательное значение для личного состава, – говорит помощник начальника караула младший сержант Зариф Пардаев. – Каждый случай задержания нарушителя границ поста становится предметом тщательного и детального анализа в нашем подразделении.

Среди тех солдат срочной службы, кто удостаивался поощрения командирами – рядовые Дониёр Садриддинов и Аброр Мисиров, призванные из Наманганской области. Бдительные воины хотят образцовой службой и отличной воинской дисциплиной, успехами в боевой и общественно-политической подготовке заслужить право на Рекомендацию для льготного поступления в вузы страны.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото автора.

ASKAR

SAFDOSHLARIGA IBRAT POSBON



Oddiy askar Renat O‘rozboyev o‘qchi vazifasida xizmat qiladi. Namunali posbonning xizmati boshlanganiga yaqinda to‘qqiz oy bo‘ladi. Bu vaqt ichida u tirishqoqligi, mehnatkashligi, bilimdonligi bilan komandirlar e’tiboriga tushib ulgurgan.

Yangi o‘quv yili mashg‘ulotlariga jiddiy tayyorgarlik ko‘rilgani bois, askarlar jangovar, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklardan o‘z bilim va ko‘nikmalarini shakllantirib, harb ilmidan olgan saboqlarini amalda tobora mustahkamlab borishmoqda.

... Jangovar qurollardan o‘q otish nuqtasi. Oddiy askar O‘rozboyev komandirning buyrug‘ini kutmoqda. Xizmati davomida ofitser va serjantlardan o‘zlashtirgan harb ilmining sir-asrorlari, bilim va ko‘nikmalari, tajriba va mahorati bugun yana bir bor o‘z so‘zini aytdi. Komandirning buyrug‘i yangragach, oddiy askar harakatlanayotgan nishonni mo‘ljalga oldi. Bunda u albatta, shamolning qaysi tomondan esayotganini va tezligini, nishonning harakat yo‘nalishini hamda oraliq masofani inobatga olib, o‘t ochdi. Endi ikkinchi, joyida turgan nishonni mo‘ljalga olishi kerak. Ushbu nishonning yerdan faqat yuqori qismigina ko‘rinib turibdi. Salgina xatoga yo‘l qo‘yilsa, mo‘ljal noaniq bo‘lishi mumkin. Buni yaxshi anglagan posbon guruh komandiri serjant Alisher Ergashevning otish tayyorgarligi bo‘yicha olib borgan mashg‘ulotlarini yodga oldi.

Kichik komandir otish vaqtida qurolni to‘g‘ri ushlab, otish uchun tayyor bo‘lgan paytda chuqur nafas olib, havoni ichida ushlab turishi lozimligini alohida ta’kidlagan, amalda ham bajarib ko‘rsatgan edi. Shunda mo‘ljalga aniq urish mumkin. Shularni xayolidan o‘tkazgan posbon nishonga qarata o‘t ochdi. Bu safar ham mahorati pand bermadi. Ofitser Chingiz Toshboyev oddiy askar O‘rozboyevning otish tayyorgarligini a’lo bahoga topshirgani bilan tabriklab, uni safdoshlariga o‘rnak qilib ko‘rsatdi. Bu posbonning xizmati mobaynida jangovar tayyorgarlik mashg‘ulotlarida qo‘lga kiritgan ko‘plab yutuqlaridan bir lavha, xolos.

Oddiy askar O‘rozboyev armiyaga qadar fermer xo‘jaligida dehqonchilik bilan shug‘ullangan. Mehnatkash o‘g‘lon armiyada ham aynan shu xislati tufayli ko‘plab yutuqlarga erishib, harbiy jamoada hurmat topgan.

– Men armiyaning haqiqatan hayot maktabi ekanligiga xizmatga kelib, amin bo‘ldim, – deydi oddiy askar. – Xizmatga ulkan ishtiyoq bilan kelganman. Qisqa vaqtda ko‘p bilim, saboqlar oldim. Eng asosiysi, milliy armiyamizning posboni, uni sodiq himoyachisi, degan sharafli nomga sazavor bo‘ldim. Muddatli harbiy xizmat qalbimda harbiylikdek sharafli sohaga qiziqish va havas uyg‘otdi. Kelajakda yurtimizdagi nufuzli ilm maskani – Toshkent oliy umumqo‘shin qo‘mondonlik bilim yurtiga hujjat topshirib, Qurolli Kuchlarimiz safida ofitser sifatida xizmat faoliyatimni davom ettirishni maqsad qilganman. Maqsadimga erishish yo‘lida hozirdanoq tayyorgarlik jarayonlarini boshlab, qism kutubxonasidan unumli foydalanayapman.

Posbonlardagi g‘ayrat va shijoat, intiluvchanlik, mahorat va bilim ularning o‘quv mashg‘ulotlarida faol qatnashib, yuqori natijalarga erishishida muhim omil bo‘lmoqda. Zero, har bir posbon Vatan himoyachisi, degan sharafli nomga munosib bo‘lishi uchun, o‘qib-o‘rganishi, o‘z ustida tinimsiz mehnat qilib, harbiy soha sir-asrorlarini mukammal egallamog‘i lozim. Oddiy askar Renat O‘rozboyev ham ana shunday marralardan sabot bilan o‘tib, o‘quv mashg‘ulotlarida ilg‘orlar safidan joy olishga harakat qilayotgan posbonlardan.

Kichik serjant Ahror OCHILOV,
«Vatanparvar» muxbiri.
Muallif suratga olgan.

Tuhfa

Abdulla ORIPOV,
O‘zbekiston Qahramoni, xalq shoiri

MEN NECHUN SEVAMAN O‘ZBEKISTONNI

Men nechun sevaman O‘zbekistonni,
Tuprog‘in ko‘zimga aylab to‘tiyo?
Nechun Vatan deya yeru osmonni,
Muqaddas atayman, atayman tanho.
Aslida, dunyoda tanho nima bor,
Paxta o‘smaydimi o‘zga elda, yo?
Yoki quyoshimi sevgimga sabab?
Axir quyoshli-ku butun Osiyo.
Men nechun sevaman O‘zbekistonni?
Bog‘larin jannat deb ko‘z-ko‘z etaman.
Nechun ardoqlarkan tuprog‘ini men,
O‘paman: «Tuprog‘ing bebaho, Vatan...»
Aslida tuproqni odil tabiat
Taqsim aylagan-ku yer yuziga teng.
Nechun bu tuproq deb yig‘laydi Furqat,
O, Qashg‘ar tuprog‘i, qashshoqmiding sen?!
Xo‘sh, nechun sevasan O‘zbekistonni,
Sababini aytgin, desalar menga.
Shoirona go‘zal so‘zlardan oldin
Men ta’zim qilaman ona xalqimga:
Xalqim, tarix hukmi seni agarda
Mangu muzliklarga eltgan bo‘lsaydi.
Qorliklarni makon etgan bo‘lsayding,
Mehrim bermasmidim o‘sha muzlarga?
Vatanlar,
Vatanlar,
Mayli, gullasin.
Bog‘ unsin mangulik muzda ham, ammo
Yurtim, seni faqat boyliklaring-chun
Sevgan farzand bo‘lsa kechirma aslo!

MAQSAD ULUG‘, NIYATLAR QUTLUG‘

Oddiy askar Iskandar Ochilov muddatli harbiy xizmatga qadar Surxondaryo viloyati, Muzrobod tumanidagi bank kollejida tahsil oldi. Uning harbiy xizmat haqidagi tasavvurlari, bilimlari chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik darslarida shakllangan. Kollejda olib borilgan mashg‘ulotlarning ko‘rgazmali vositalar, turli uchrashuvlar, epchillik, kuch, tadbirkorlik sinovi bo‘lgan qiziqarli sport musobaqalari bilan boyitilganligi sharafli kasbga mehr qo‘ygan yoshlar sonining yanada oshishiga asos bo‘ldi. Iskandar ham ana shunday ezgu niyatli yoshlarning biridir.

Bugungi kunda milliy armiyamiz saflarida xizmat qilish yoshlar uchun shon-sharaf ishiga aylangan. Shu bois Vatan himoyachisi bo‘lish istagida bo‘lgan yoshlarimizning soni ham kundan-kunga oshib bormoqda. Muddatli harbiy xizmatga yoshlarimizning jiddiy sinovlar bilan qabul qilinayotganligi ham barchamizga yaxshi ma’lum. Tanlov shartlariga munosib javob bergan Iskandar Ochilov va uning tengqurlariga tantanali kuzatuv marosimida yurt ishonchini sharaf bilan oqlashlariga tilaklar bildirilgan edi.

O‘tayotgan xizmat jarayonini kuzatar ekanmiz, oddiy askar Iskandar Ochilov ana shu yuksak ishonchni ko‘plab safdoshlari qatori sharaf bilan oqlayotganiga guvoh bo‘ldik. Ayni kunlarda askar yigit jamoaning eng ilg‘or va faol posbonlaridan biri hisoblanadi. Undagi bu fazilatlar komandirlari tomonidan ham alohida e’tirof etilmoqda.

– Oddiy askar Ochilov xizmatning ilk kunlaridanoq o‘zining tirishqoqligi va berilgan vazifani o‘z vaqtida ado etishi bilan barcha safdoshlariga o‘rnak bo‘lib kelmoqda, – deydi ofitser Jahongir Muhammedov. – E’tibor berayotgan bo‘lsak, bugungi posbonlardagi g‘ayrat va shijoat, intiluvchanlik, mahorat va bilim ularni yanada faollikka, yuqori natijalarga erishishga chorlamoqda. Zero, har bir posbon Vatan himoyachisi, degan sharafli nomga munosib bo‘lishi uchun o‘qib-o‘rganishi, o‘z ustida tinimsiz ishlab, harbiy soha sir-asrorlarini mukammal egallamog‘i lozim. Oddiy askar Iskandar Ochilov ham ana shunday marralardan sabot bilan o‘tib, mavsum mashg‘ulotlarida ilg‘orlar safidan joy olishga harakat qilayotgan posbonlardan.

– Armiyada yanada toblandim, chiniqdim, – deydi oddiy askar I. Ochilov. – Xizmatim mobaynida ofitser va serjantlardan soha sir-asrorlarini mukammal va puxta o‘zlashtirishga harakat qilayapman. Ayniqsa, o‘quv mashg‘ulotlarida olgan nazariy bilimlarimizni amaliyotda qo‘llab, yanada boy tajribaga, mahoratga ega bo‘layapmiz. Harbiylik kasbiga yoshligimdan mehrim baland. Harbiy xizmat esa qalbimdagi bu mehrni yanada alangalatdi. Shu boisdan ham kelajak hayotimni armiya bilan bog‘lashga ahd qildim. Ya’ni muddatli harbiy xizmatdan so‘ng, oliy harbiy bilim yurtiga hujjat topshirishga qaror qildim. Bu qarorimdan ota-onam ham mamnun.

Guvoh bo‘lganingizdek, askar yigitning niyatlari qutlug‘. Shuni ham mamnuniyat bilan qayd etib o‘tish o‘rinliki, ayni kunlarda harbiy qismlar qoshida boy adabiyotlar, darsliklar fondiga ega bo‘lgan kutubxonalar faoliyat ko‘rsatmoqda. Mazkur kutubxonalarda turli madaniy-ma’rifiy tadbirlar o‘tkazilishi bilan



birga oliy o‘quv yurtlariga kirish imtihonlariga tayyorgarlik ko‘rish imkoniyatlari mavjud.

Eng muhimi, Iskandar askarlik xizmati mobaynida o‘zining namunali xizmati bilan komandirlari e’tirofi-yu, safdoshlarining xurmatiga sazovor bo‘lib ulgurdi. Agar uning xizmati shu tariqa muvaffaqiyat bilan davom etaversa, qism qo‘mondonligining Tavsiyanomasiga sazovor bo‘lsa ham ajab emas.

Ha, har bir yigitning shakllanishida, kamolga yetishida ahamiyatli bosqichlar, davrlar ko‘p. Ammo ular ichida harbiy xizmat, askarlik saboqlarining o‘rni juda beqiyos. Zero, harbiy xizmat yigitlar uchun mardlik va vatanparvarlik maktabi bo‘lib kelgan. Iskandar Ochilov singari yosh posbonlar esa bu maktabning haqiqiy egalari, munosib o‘g‘lonlari bo‘lishiga ishonamiz. Qutlug‘ niyatlari askar o‘g‘longa yo‘ldosh bo‘lsin!

Gulnora TURSUNBOYEVA.
Bahrom ABDURAHIMOV olgan surat.

VATANGA POSBON BO‘LISH BAXTI

Dunyoda muqaddas tushunchalar, tuyg‘ular ko‘p: Vatan, ota-ona, yoru birodarlar... Biroq ularning ichida yurt tuyg‘usi eng mo‘tabaridir. Najmiddin Kubro mahkam tutgan tug‘da, Jaloliddinning mo‘g‘ul bosqinchilariga mardonavor chovut solishida, Temur Malik ko‘rsatgan jasoratda, Zahiriddin Muhammad Bobur nigohida aks etmish mungda mujassamdir bu tuyg‘u! Shu bois uni ulug‘lagaylar, qadrlagaylar, jondan, halovatdan kechib bo‘lsa-da asragaylar.

Vatanni himoyalash, uni ko‘z qorachig‘idek asrash – har bir insonning burchi. Yurt himoyachisi bo‘lish – sharaf. Aynan posbonlarning sarhadlarimizni sergak turib qo‘riqlashlari, zimmalaridagi vazifani sidqidildan ado etishlari, burchlariga sadoqati sabab yurtimizda tinchlik hukmron. Men ham milliy armiyamiz saflarida xizmat qilayotganimdan, mamlakatimizni himoya qilishga hissa qo‘shayotganimdan faxrlanaman.

Bolaligimda harbiy bo‘lishni, yurt himoyachisi degan sharafga erishishni juda-juda orzu qilganman. Ayniqsa, mahallamizda istiqomat qiluvchi sharafli kasb egalarini ko‘rganimda ularga taqlidan, qo‘limni chekkamga qo‘yib, harbiycha salomlashishni juda yaxshi ko‘rardim. Mendagi qiziqish, havasning qat’iy maqsadga aylanishida bolalikdagi taassurotlarim, muhitning ta’siri katta bo‘lgan, deb o‘ylayman.

Men tug‘ilib o‘sgan tumanda muddatli harbiy xizmatni o‘tab qaytgan yoshlar talaygina. Darslardan bo‘sh vaqtlarimda ular bilan suhbatlashishga, armiya haqidagi tasavvurlarimni boyitishga harakat qilardim. Bu suhbatlar orqali bugun Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilish har bir er yigit uchun eng yuksak orzuga aylangani, bunga har tomonlama yetuk, bilimli, ilg‘or yoshlargina muyassar bo‘layotganidan boxabar bo‘ldim. Bu esa menga belgilangan sinovlarga puxta tayyorgarlik ko‘rishimda kuch bag‘ishladi.

Maktabni bitirgach, muddatli harbiy xizmatni – Vatan oldidagi yigitlik burchimni o‘tashga qaror qilganim haqida aytganda ota-onam quvonib, menga omad tilashgan edi. Mana, sinovlardan muvaffaqiyat bilan o‘tib, mustaqil yurtimning posbonlari safidan joy oldim. Endigi maqsadim – namunali xizmat qilib, eng ilg‘or posbon degan nomga sazovor bo‘lish.

Armiyaga kelganimga hali uncha ko‘p bo‘lgani yo‘q. Ammo shu qisqa davrda ko‘p narsalarni o‘rgandim, harb ilmi bo‘yicha ilk saboqlarni oldim, Umumharbiy nizomlar bilan tanishdim. Bu yerda posbonlarning ta’lim olishi, sport bilan shug‘ullanishi, xizmatdan bo‘sh vaqtlarini maroqli o‘tkazishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Ayniqsa, kelgusida oliy o‘quv yurtlarida tahsil olish istagida bo‘lgan yigitlar test sinovlariga tayyorgarlik ko‘rishlari, bilimlarini boyitishlari uchun barcha imkoniyatlar mavjud. Bu borada kattagina fondga ega bo‘lgan qism kutubxonasi va mudira opamizning yordamlarini alohida ta’kidlashni istardim.

Niyatim – muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o‘tab, shartnoma asosida Qurolli Kuchlarimiz safida faoliyatimni davom ettirish. O‘ylaymanki, maqsadimning amalga oshishi va orzuimning ushalishida ayni paytda muddatli harbiy xizmat davomida olayotgan saboqlarim, o‘rganayotgan bilimlarim katta yordam beradi.

Shavkat MUSTAFOYEV,
oddiy askar.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

АСКАР ДАСТУРХОНИ КУЗ НЕЪМАТЛАРИ БИЛАН ТЎКИН

Ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича кўлами ва моҳияти жиҳатидан ғоят улкан ишлар амалга оширилди. Жаҳон андозаларига мос, юртимиз тинчлиги ва осудалиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини муносиб ҳимоя қила оладиган, ҳар қандай ташқи тажовузга зарба беришга қодир, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминланган, профессионал асосда шаклланган, қудратли миллий армиямиз барпо этилди.

Бунда ўз тақдири ва ҳаётини Қуролли Кучларимиз билан боғлаган, ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч деб биладиган юрт фарзандларига таянилди. Ўз навбатида уларнинг шарафли хизматлари ҳамиша қадр топиб келди. Юртбошимиз шундай таъкидлаган эдилар: «... Шуни такрор ва такрор айтмоқчиман: ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».

Бундан кўриниб турибдики, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ҳамиша давлатимиз раҳбариятининг диққат-марказида бўлиб келган. Ҳа, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, уй-жой ва социал-маиший шароитларини янада яхшилаш, иш ҳақи миқдорини ошириш, мухтасар қилиб айтганда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган муҳим ишлар кишини қувонтиради.

Замонавий, янги уйларнинг қуриб фойдаланишга топширилаётганлиги, ҳарбий шаҳарчалар қиёфасининг тубдан ўзгараётганлиги, ҳарбий хизматчилар фарзандларининг билим ва ҳунар эгаллашлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

2006 йилдан Мудофаа вазирлиги тизимида шахсий таркибнинг озиқ-овқат таъминоти ва сифатини янада яхшилаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясига эътиборни янада кучайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи ички таъминот бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш хизматининг қизғин фаолияти алоҳида таҳсинга арзийди. Қуйида ички таъминот бўлинмаларида олиб борилаётган муҳим ишларнинг айрим қирраларига тўхталиб ўтамиз.

САРҲИСОБ ПАЛЛАСИ

Юртимиз табиатининг бетакрорлиги ҳақида бот-бот гапирамиз. Дарҳақиқат, эрта баҳорданоқ аскар дастурхони эргапишар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла бошлайди. Табиийки, бу жараён кеч кузга қадар давом этади. Шу кунларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи ички таъминот бўлинмаларида йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Бу борада Шарқий ҳарбий округи таъминот бўлинмалари фаолияти таҳсинга сазовор.

Қуролли Кучлар хизматчиси Олим Каримов ҳарбий қисм таъминот бўлинмасига етакчилик қилади. Мазкур бўлинма қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш режасини ортиғи билан бажарди.

– Эллик гектар ерда деҳқончилик қиламиз, – дейди Олим Каримов. – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг саккиз турини етказиб берамиз. Жорий йилда 4,5 тонна маккажўхори дони, 20 тонна тарвуз, 20 тонна пиёз, 10 тонна булғор қалампири, 12 тонна карам, бир тоннага яқин ерёнғоқ етиштирдик. Бунда бўлинма пудратчи деҳқонларининг фидокорона меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди.

Бўлинманинг ана шундай деҳқонларидан бири Оятулло Дўстматовдир. У ёш бўлишига қарамасдан деҳқончилик илмини мукаммал эгаллаган. Ёш деҳқонга беш гектар ер ажратилган эди. Ана шу ердан мўл ҳосил кўтариб, барчанинг оғзига тушди. Гектаридан йигирма тонна кузги пиёз топширди.

– Мен ҳам ўзимни Ватан ҳимоячилари билан бир сафда деб биламан, – дейди Оятулло Дўстматов. – Етиштирган маҳсулотларим аскар дастурхони, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари эҳтиёжини қондираётганидан хурсандман. Бундан кейин ҳам бор билимим, кучимни юртимиз ҳимоячилари таъминоти йўлидаги эзгу ишга сарфлайман.

– Йилдан-йилга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тури ҳам ошиб бормоқда, – дейди капитан Аҳрор Исроилов. – Бундан нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам баҳраманд бўлмоқда. Айниқса, вақти-вақти билан ташкил этилиб турадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун айни муддао бўлмоқда. Мазкур ярмаркаларнинг яна бир афзал томони шундаки, маҳсулотлар бозор нархидан анчагина арзон сотилади. Сифати ҳам кўнгилдагидек.

Бўлинма деҳқонларидан яна бири Пирмуҳаммад Темиров. У бир гектар ерда деҳқончилик қилиб, тарвуздан мўл ҳосил кўтарди. Бу ерда кузги ҳосил йиғим-терими ҳамон давом этмоқда. Ярим гектар ерга экилган қовоқдан ҳам режада белгиланганидан кўпроқ ҳосил олиниши кутилмоқда.

Айни кунда қишга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, аскар дастурхонига етиб борадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан пиёзнинг каттагина қисмини Шарқий ҳарбий округи ички таъминот бўлинмалари деҳқонлари етказиб бермоқдалар.

ОНА ЕР ТУҲФАСИ

Бугунги кунда шахсий таркибнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси қувонарлидир. Маҳсулот турларининг кўпаяётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Келинг, бу ҳақда аскарларнинг ўзларидан эшитиб кўрайлик.

Оддий аскар Аброр ЗАЙНИДДИНОВ:

– Ёзнинг дастлабки кунлариданоқ ширин-шакар полиз маҳсулотлари, мевалар берила бошланди. Булар миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари маҳсули эканини яхши биламиз

Оддий аскар Маннон ХОЛМЎМИНОВ:

– Мен аскар таомномаси миллий таомлардан иборат бўлишини кутмаган эдим. Бизга берилаётган таомлар юртимиз далаларида етиштирилган энг сара қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан тайёрланади. Байрам дастурхонларининг янада тўкинлиги эса кўзни қувонтиради. Буларнинг барчасида биз посбонларга берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Ҳа, бугун ҳарбий хизматчилар таъминоти она ер туҳфаси, миришкор деҳқонлар меҳнати маҳсули – энг сара боғ ва полиз маҳсулотларининг кўплаб турлари билан янада бойиган.

ҚИШГА ҲОЗИРЛИК

Қуролли Кучлар хизматчиси Наиль Еналеев Мудофаа вазирлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш хизматининг етакчи иқтисодчиси. У октябрь ойининг дастлабки кунларигача бўлган маълумотларни қуйидагича изоҳлайди:

– Йил бошидан етказиб берилган маҳсулотлар 593,0 миллион сўмни ташкил қилади. Шундан 226,6 миллион сўми чорвачилик, 366,4 миллион сўми деҳқончилик маҳсулотларига тўғри келади. Шу кунга қадар 420 тоннага яқин пиёз етказиб берилди. Ҳали ҳосил батамом йиғиштириб бўлинмаган. Бундан ташқари 25 тонна мева, 80 тонна маккажўхори дони, 36 тонна гўшт, 252 тонна буғдой, 160 тонна арпа, 1092 тонна полиз (карам, помидор, бодринг, саримсоқ, шолғом, қовоқ ва ҳоказолар) маҳсулотлари етказиб берилди. Тарвуз эса ўттиз тоннани ташкил қилади. Бу рақамлар ортида бўлинма деҳқонларининг улкан меҳнатлари мужассам. Улар табиат инжиқликларини мардонавор енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кейинги вақтларда чорвачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Мазкур соҳа ем-хашак базасига эга бўлмай туриб ривожланиши мумкин эмас. Буни эътиборга олган ҳолда фаолият кўрсатаётган ички таъминот бўлинмалари қиш ғамини ёзда едилар. Шу кунга қадар 205 тонна пичан, 63 тонна чорва озуқаси тайёрланди. Тайёрланган озуқа базаси қишловни қийинчиликсиз ўтказишни таъминлайди. Бу борада Қуролли Кучлар хизматчиси Анвар Усмонов, Фарҳод Мирзаҳамедовлар етакчилик қилаётган бўлинмалар иши таҳсинга лойиқ.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Шолидан баракали ҳосил кўтарилиши кутилмоқда. Шунингдек, чорвачиликдан ҳам умид катта. Куз дарҳақиқат, сарҳисоб палласидир. Мана, йил бошидан қилинган меҳнат эндиликда ўз самарасини кўрсатмоқда. Кўриб турганингиздек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш хизматининг жорий йилдаги фаолияти кутилганидек сермаҳсул бўлишини юқорида келтирилган рақамлар ҳам айтиб турибди. Шундай бўлса-да, ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган, амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Қисқа муддат ичида қилинган салмоқли ишлар эса соҳа истиқболидан далолат.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



МАСЛАҲАТ

Подготовка к зиме

ПОВЫШАЯ БОЕГОТОВНОСТЬ

В частях и подразделениях идет деятельная подготовка к зиме. Личный состав подразделения офицера Музаффара Дуванова не стоит в стороне от этого большого и важного дела. Еще в начале учебного года на офицерском совещании был разработан и составлен план работ, назначены ответственные, указаны сроки выполнения. А общее руководство было возложено на заместителя командира старшего лейтенанта Раима Нарзуллаева.

– У нас стало доброй традицией, – говорит старший лейтенант Р. Нарзуллаев, – заранее готовиться к зиме. Не стал исключением для нас и этот год. С первых дней осени мы активно включились в работу и многое уже сделали.

Начали с поддержания порядка на территории военного городка. Отремонтировали подъездные пути, заасфальтировали плац и пешеходные дорожки, обновили наглядную информацию. На этих участках плодотворно потрудились лейтенант Жасур Имомов, младший сержант Лазиз Лутфуллаев, рядовые по контракту Одилжон Жуманиязов, Алишер Парпиев.

Не забыты клуб подразделения и библиотека. В зимнее время здесь особенно многолюдно. Сюда с большим желанием идут воины. Поэтому ремонту этих очагов культуры было уделено особое внимание.

Стало уютнее и в солдатских расположениях. Преобразились спальные помещения, класс общественно-политической информации и комната бытового обслуживания.

Обращает на себя внимание внешняя и внутренняя отделка солдатской столовой. Оформление обеденного зала поднимает настроение, оставляет у воинов хорошее впечатление. А повара рядовые Юнус Фазылов и Озод Нурланов могут в полной мере проявлять свои кулинарные способности, радуя сослуживцев вкусными завтраками, обедами и ужинами.

Старший лейтенант Р. Нарзуллаев зарекомендовал себя настоящим хозяйственником. Любит, чтобы у него во всех делах был полный порядок. Выпускник СВВАКИУ службу начинал помощником командира подразделения по материальному обеспечению. На практике приобрел первый практический опыт специалиста тыла.

– Свои обязанности офицер хорошо знает и выполняет их добросовестно, – так отозвались старшие начальники. А забот у него немало. Это и ежедневные хлопоты о продовольственном снабжении, и о своевременном обеспечении вещевым имуществом, и о доставке горючесмазочных материалов, и, конечно же, о создании нормальных бытовых условий для личного состава. Всюду надо успеть, за всем проследить. А если потребуется, то не только напомнить, но и строго спросить. Благо, что на всех участках его обширного хозяйства трудятся единомышленники, душой болеющие за свое дело, на которых можно положиться.

Сейчас здесь полным ходом идет заготовка овощей на зиму. Заключаются договора с военными хозяйствами. Овощехранилище после проведенного ремонта заполняется картофелем, капустой, свеклой, морковью...

Зима не застанет врасплох этот воинский коллектив. Здесь делается все возможное для того, чтобы военнослужащие ни в чем не нуждались, успешно выполняли поставленные перед ними задачи, повышая боеготовность подразделений и части.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

Сўраган экансиз

ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Мамлакатимизда ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида яқинда қандайдир қарор қабул қилинганини эшитдим. Унга кўра, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандлик билан шуғулланиш тартиби белгиланган экан. Шу хусусда маълумот берсангиз?

Баҳодир ҚУРБОНОВ,
ҳунарманд.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармайдчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 29 июлдаги қарорига асосан «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган.

Мазкур Низомнинг бешинчи бўлимида оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда устахоналар учун хоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, ҳунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар, шахобчалар ташкил этиш, ҳунармандчилик субъектларини маҳаллий хом-ашё, материаллар билан таъминлаш, кўргазмалар ўтказиш, ёшларни ҳунармандчиликка ўргатиш учун шарт-шароит яратиши кабилар белгиланган.

Қолаверса, ушбу ҳужжатнинг учинчи бўлимида оилавий тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида оила аъзолари ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари, унга ҳақ тўлаш тартиби улар томонидан мустақил равишда олиб борилиши белгиланган. Шуни ҳам айтиш лозимки, оилавий тадбиркорлик субъектлари доимий ходимлар ёллай олишмайди. Истисно тарзида бир марталик ишларни бажаришга жалб этилиши мумкин.

Ҳунармандчилик фаолияти ҳунарманд томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган йўналишлар бўйича амалга оширилади. Ҳунарманд тилга олинаётган ҳужжатга кўра, кўпи билан бештагача шогирд жалб этишга ҳақли.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ БУЗИЛГАНДА

Қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун бирон жазо белгиланиши кўзда тутилганми?

Равшан СОБИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасидан мазкур саволга жавоб топиш мумкин. Унда жумладан шундай ёзилган:

«Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳам муаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади».

Ш. АЛИЕВ тайёрлади.

Тест

КАСБИНГИЗДАН ҚОНИҚАСИЗМИ?

1. Ҳозирги иш жойингизда қачондан бери ишлайсиз?
а) ўн йилдан ортиқ;
б) уч йилдан ортиқ;
в) бир йилдан ортиқ;
г) бир неча ойдан буён.

2. Касбий фаолиятингизни муваффақиятли давом эттириш учун ўқишингиз, малака оширишингиз зарур, деб ҳисоблайсизми?
а) ҳа, бусиз ўсиш бўлмайди;
б) инсон ҳар доим нимanidир ўргана олади;
в) албатта, бундан манфаат бор;
г) агар бунинг фойдаси бўлсагина;
д) ҳозирги ҳолатдан қониқаман.

3. Касбингиз имкониятларига нисбатан етарли даражада маош олаяпсизми?
а) маош кам, лекин севимли касбимни сақлаб қолиш учун етарли;
б) менимча, иқтидоримга яраша ойлик олаяпман;
в) ҳа, аммо қанча тўлашса ҳам барибир кам;
г) тўланаётган маошга яраша ишлайман;
д) Мен сарфлаётган кучга нисбатан жуда кам.

4. Одатда, ишга қандай кайфият билан борасиз?
а) қувноқ ва руҳан тетик ҳолатда;
б) «нимага қодирлигимни уларга кўрсатаман» деган кайфиятда;
в) нима бўлса ҳам ишда уйдагидан яхшироқ;
г) нафақага қанча қолганини фикран ҳисоблаб бораман;
д) қон босими ошган, томир уриш тезлашган, асабий ҳолатда.

5. Ишдаги муаммоларни яқинларингиз билан муҳокама қиласизми?
а) йўқ;
б) баъзи-баъзида;
в) бу мавзудан қочаман;
г) фақат ноҳақлик юз берган пайтларда;
д) ҳамкасбларни ғийбат қилиш жону дилим.

6. Таътил вақтида тоғ ён бағрида дам олаётиб иш ҳақида ўйлаётганингизни сезиб қолдингиз...
а) таътил тезроқ тугашини хоҳлайсиз;
б) иш ҳақида ижобий ўйлайсиз, ҳатто ҳамкасбларингизга мактуб жўнатасиз;
в) таътил анча узоқ давом этишидан қувонасиз;
г) ҳамкасбларингиз ҳозир тер тўкиб ишлаётганини тасаввур қилиб, кулиб қўясиз;
д) бу ҳақда ўйлашим мумкин эмас.

7. Шу касб билан шуғулланишингизни тасаввур қилганмисиз?
а) бундан яхшироқ бўлишини, ҳатто орзу ҳам қилмагандим;
б) бу соҳа ҳақида аниқ тасаввурга эга эдим, шу касб эгаси бўлишга интилардим ва ҳозир ҳаммаси яхши;
в) йўқ, начора тақдир экан...;
г) қаердадир ишлаш керак-ку...

8. Фарзандларингиз касбингизни танлашига рози бўлармидингиз?
а) агар бунга қизиқсалар ва ўзлари танласалар;
б) шундай бўлишига ич-ичингиздан умид қиласиз;
в) ҳа, фақат сиздан кўра кўпроқ малака эгаллашса;
г) менга барибир;
д) бу йўлдан қайтаришга уринаман.

9. Болаликда ким бўлишни орзу қилгансиз:
а) бепоён кенгликларда парвоз қилувчи фазогир бўлишни;
б) олқишга сазовор машҳур артист бўлишни;
в) ҳамма ўқувчиларга аъло баҳо қўйиш учун ўқитувчи бўлишни;
г) модельер бўлишни, чунки барча унга ҳавас қилади;
д) шифокор бўлишни, чунки оқ халат менга ярашади.

10. Қуйидаги вазиятни тасаввур қилинг: кўришни орзу қилган киши билан ҳал қилувчи учрашувингиз бор. Ишда яна бир неча соат қолишингизга тўғри келди. Сизнинг муносабатингиз?
а) ишдан энг оддий ёлғон тўқиб қочасиз (масалан, узоқ қариндошим касал бўлди, деб).
б) бугун бандлигингизни афсус билан унга хабар қиласиз;
в) учрашувни қолдирасиз – иш энг муҳим нарса;
г) узоқ иккиланишдан сўнг учрашувни қолдирасиз ва иш қила олмайдиган даражада руҳий чарчоқлик сезасиз;
д) дуч келган киши билан жанжаллашасиз ва тинчгина учрашувга кетасиз.

БАҲОЛАШ ТАРТИБИ:

Жавоблар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
А	5	5	5	5	5	5	5	5	4	4
Б	3	4	4	4	4	4	4	4	3	3
В	2	2	3	3	3	3	2	3	2	2
Г	1	2	2	2	2	2	1	2	1	1
Д	–	1	1	1	1	1	–	1	1	1

48–27 балл. Касбингиздан, турмушингиздан қониқасиз. Муҳими, ҳаётга фақат тўғри кўз билан қарашга, ҳар нарсани яхшиликка йўйишга ўргангансиз. Муваффақиятларнинг ҳам, омадсизликларнинг ҳам сабабчиси ўзингиз эканлигини мудом ёдда тутасиз. Бу эса сизни ҳамиша ўз устингизда ишлашга, изланишга, интилишга ундайди. Ҳар қандай шароит ва муҳитга осон кўникишингиз, одамлар билан тез тил топиша олишингиз аъло даражада. Касбингизни жуда севасиз, шу боис у билан машғул бўлиш сизга ҳузур бағишлайди.

26–18 балл. Касбга муносабатингиз яхши, аммо ҳамиша нимадандир нолишга сизда баҳона етарли. Ишчанлигингиз, ташаббускорлигингиз, яратувчанликка мойиллигингиз таҳсинга сазовор. Бироқ танлаган соҳангизга нисбатан тугал меҳр сезилмайди. Гоҳида боринигизни бериб, берилиб ишлайсиз, лекин бу ҳол кўпга бормайди, тезда бундан совийсиз. Сиздаги бу беқарорликнинг сабаби турғунликка, бир маромга мослашмаганингиздандир, ёки имкониятларингиз, иқтидорингиз ҳозиргидан кўра анча каттароқдир?! Эҳтимол, қониқмаслигингиз шахсий муаммоларингиз ёки ҳамкасблар билан мулоқотга кириша олмаслигингизга бориб тақалар? Ҳарҳолда, ўйлаб кўришни маслаҳат берамиз.

18 баллдан кам. Четдан қараганда ҳақиқий жабрдийдага, эътибордан маҳрумга ўхшайсиз. Аммо ҳолатни синчиклаб ўрганган ҳар бир киши буларнинг барчасига бош омил феълингиз, уқувсизлигингиз, қаноатсизлигингиз эканлигини англайди. Тўғри, ҳозирги мавқеингиз адолатданмас, бироқ ўйлаб кўрингчи, шундай бўлишига ўзингиз сабабчи эмасмисиз? Тушкун кайфиятда ишга келиш, вазифангизни ҳафсаласизлик билан адо этиш, топшириқларни ўз вақтида бажара олмаслик, шу боис ҳамиша таъна, дашном эшитиш, ғийбат, одамлар билан тил топиша олмаслик – барчаси сизгагина хос хусусиятлар. Ўз устингизда ишлашдан эринасиз, бордию, кимдир юрак ютиб тўғри маслаҳат беришга чоғланса, гапирганига пушаймон қиласиз. Хуллас, борингиз – шу. Лекин ҳамма ҳам ўзгариши мумкин. Яшаш завқини ҳис этай десангиз, ўзингизни ўзгартиринг, камчиликларингизни тузатинг, ён-веринигиздаги омадли ҳамкасбларингизга ўхшашга ҳаракат қилинг.

Жасур НИЁЗОВ тайёрлади.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҚАЛТИС ХАТО

(Воқеий ҳикоя)



(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Икки дугона бир-бири билан тил топиша олишди. Улар ҳар якшанбада гоҳ у хонадон, гоҳ бу оилада бирга бўлишарди. Бу учрашувдан ҳаммадан ҳам кўра Неъматилло ака мамнун эди. Ушбу сирдан огоҳ бўлган ҳар икки оила аҳли икки қиз дилига ҳам озор етказмаслик учун «етти ўлчаб, бир кес» қабилида муомала қилаётган бир паллада, ёлғиз қизидан айро тушган ота унга бўлган оталик меҳрини дариғ тутишни истамасди. У ҳар гал хонадонига Садоқат кириб борганида кўзлари чақнаб кетар, унга меҳрибонлик, ғамхўрлик қилишни истарди. Бу ҳол тўкин оиланинг ёлғиз маликаси бўлиб ўсган Лобарда гоҳо рашк алангасини қўзғарди. Қизининг неча бор рашк ва аламдан йиғлаётганлигини кўрган Саодат опа турмуш ўртоғига вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилар, ўзи ҳам Садоқатга гўё қизининг дугонасидек муомала қилишга интиларди. Меҳри опа эса ҳар галгидек Садоқатни авайлар, Лобарнинг олдида ҳам унга бўлган опалик меҳрини яширмасди.

Сарварбек борди-келдилар давомида Садоқатга анчайин боғланиб қолаётганлигини ҳис қилиб турарди. Оила аъзоларига жуда ўхшаб кетадиган бу қизга онаси ва дадасининг меҳри ўзгачалигидан мамнун эди, йигит. Чунки таъби нозик Саодат опага келинликка энг яхши номзод эди унинг назарида. Унинг қалб туйғусини вояга етиб қолган икки қиз ҳам аллақачон сезиб улгурган бўлса-да, ҳамон пинҳона сақланаётган бу сирни ошкор этишга ҳеч бири журъат эта олмасди. Катталар эса бундан бехабар эди.

Шундай кунлардан бирида онаси билан суҳбатлашиб ўтирган Сарварбек ногаҳон Садоқат ҳақида сўз кетдию, унга нисбатан бефарқ эмаслигини онасига сал бўлса-да билдириб қўйишни истади. Ўғлининг «дарди»ни сезган онанинг юраги бир қалқиб тушди. «Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади», деганларидек, Саодат опа бу сирни ўғилларига ўз вақтида очмаганига пушаймон бўлдию кўз ёшларини тия олмади. Онасининг ҳолатидан Сарварбек ҳайратда эди.

– Ойижон, сизга нима бўлаяпти? Мен бирор ножўя гап айтиб қўйдимми?

Елкалари титраб йиғлаётган муштипар она бош силкиб «йўқ» ишорасини қилардию, бир оғиз сўз айта олмасди. Ва ниҳоят у ўзини қўлга олиб, ҳақиқатни ошкор этди:

– У сенинг туғишган синглинг.

– Синглим? Қанақасига? – бу янгиликдан ўзини йўқотиб қўяёзди Сарварбек.

– Бунинг тарихи узоқ. У менинг тўққиз ой бағримда кўтариб, қўлимда тутмаган яккаю ёлғиз қизим.

– Лобар-чи?..

Онасининг кўзда ёш билан юзага чиқарган ҳақиқатдан қаттиқ таъсирланган йигит бир нуқтага тикилганча узоқ ўтириб қолди. Айни дамда унинг қалбида қандай туйғулар бош кўтараётганини англаш қийин эди...

Йиллар оқар дарё. Мана икки қиз вояга етиб, ўрта мактабни ҳам тамомлашди. Катталар уларнинг орзу-истакларини инобатга олган ҳолда битта институтда таҳсил олишлари учун имкон яратишди. Омад дугоналарга бирдек кулиб боқди, улар энди талаба.

Талабалар ётоқхонасидан жой эгаллаган қизларга барча шароитлар ҳозирланди. Неъматилло ака уларнинг бирбирларидан кам бўлмаган ҳолда кийинишлари, ҳар томонлама тўкин таъминланишлари учун замин яратишга интилар, бу борада Абдуҳамид ака ҳам айнан шунга ҳаракат қиларди. Аммо Садоқат ҳар икки оиланинг меҳрибончилигига ҳам ҳақсиздек сезарди ўзини. Яъни шундоғам етти фарзанд ичида эркатой қилиб ўстирган ота-онасини авайлагиси келса, Неъматилло аканинг Лобарнинг юрагига тегадиган ғамхўрлигидан йироқ бўлишга интиларди. Шу сабаб унинг «олтин даври» ўзига хос қийинчилик ва синовларга бой бўлди.

Институтнинг сўнгги – тўртинчи босқичида Лобар Садоқатга ҳарбий либосдаги хушсурат бир йигитнинг суратини кўрсатди.

– Мени мана шу йигитга узатишмоқчи. Унинг оиласи дадамнинг яқин қадрдонларидан. Ёшлик чоғларида қуда бўламиз, деб бир-бирларига ваъда беришган экан, – Лобарнинг гап оҳангидан норозилиги сезилиб турарди. – Лекин мен унга турмушга чиқмоқчи эмасман. Биласан-ку, ўзимнинг ёқтирганим бор.

Садоқат унинг бир йигит билан учрашиб юришидан хабардор эди. Бироқ офицер йигит ёқтирганидан анчайин устун эканлиги расм орқали бўлса-да билиниб турарди гўё. Шу сабабли Садоқат ўз фикрини яширмади.

– Менимча, ота-онангнинг айтганини қилиб шу йигитни танласанг янглишмайсан.

– Қайдам, у йигит билан учрашиб, суҳбатлашмаган бўлсам. Олий ҳарбий билим юртини битириб, узоқда хизмат қилар экан. Менинг расмимни сўрашганди, иккимиз тушган суратдан бериб юбордим, – деди Лобар бепарволик билан.

Орадан бир кун ўтиб, Садоқат йигитнинг тўртга бўлинган суратини хоналаридаги ахлат челагида кўрди. Лобарнинг тутган ишидан норози бўлган қиз «шундай йигитнинг расмини хор қилибди-я», дедию расм бўлакларини авайлаб олиб қайта таъмирлаб қўйди. У ўзининг тақдирига айнан мана шу паҳлавон битилганидан бехабар эди.

Икки қиз ҳам институтни тамомлаб ишга жойлашишди. Орадан кўп ўтмай Лобар ўзи севган йигитга турмушга чиқди. Садоқат эса иккала томон маслаҳати билан нуфузли хонадонлардан бирининг ўғлига унаштирилди.

Шу орада таътилга келган офицер йигит – Рустам ота-онаси танлаб қўйган қизнинг суратини кўрдию, аксинча у билан ёнма-ён турган дугонасига ошиқ бўлиб қолди. Ўғилларининг қатъий қароридан Неъматилло ака олдида ноқулай ҳолатда қолган ота-она Лобар турмушга чиқиб кетгачгина Садоқатга совчи бўлиб келишди. Улар қадрдонларининг дилбанди аслида ҳам мана шу бўлажак келинлари эканлигини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Аммо катта умидлар ила келган совчиларга Абдуҳамид ака ва Меҳрихон опа кескин рад жавобини беришди. Чунки қизлари ўзга йигит билан унаштирилиб, тўй куни белгиланганди ҳам. Ота-онаси билан бирга келган Рустам Садоқат билан учрашишга имкон топди ва бу учрашув икки ёш қалбини муҳаббат риштаси ила боғлади.

Қизларининг бўлажак никоҳга қатъий норозилиги ота-онани эсанкиратиб қўйди. Уларнинг измидан чиқмаган Садоқатнинг дафъатан ўзгариб қолгани, тўғрироғи ўзга йигитга кўнгил боғлагани ота-она учун катта муаммо эди. У билан тил топиша оладиган Очахон эна оламдан ўтган. Абдуҳамид ака бу борадаги сўнгги қарорни Абдуносир отага қўйди.

– Кўнгил иши нозик, – салобатига хос аста гап бошлади кўпни кўрган бобо. – Биз ҳам ёш бўлганмиз, кўнгил қўйганмиз. Аммо уруш офати сабаб, ширин орзулар саробга айланди, юракда доғ қолди. Энди ёшларга йўл беришимиз керак. Садоқат бувисининг энг яхши кўрган невараси эди. Агар онам қабрида тинч ётсин десанг, қизингни кўнглига қара, – бобо «қарорим шу», деган маънода юзига фотиҳа тортдию ташқарига йўналди.

Отасидан бундай жавоб кутмаган Абдуҳамид ака ўтирган жойида бир муддат қотиб қолди. Орадан кўп ўтмай Рустам билан Садоқатнинг тўйлари бўлиб ўтди ва икки ёш йигит хизмат қилаётган гарнизонга йўл олишди...

Бу ўткинчи дунёда умр деганлари оқар дарёдек гап. Олтмиш ёшни қаршилаган Неъматилло ака юрак хуружи сабаб, кутилмаганда оламдан ўтди. Садоқатнинг қалбига оталик меҳрини сингдириб улгурган бу инсон фақат унинг «дада» деган бир оғиз сўзини эшитмай армонда кетди. Чунки ўтган йиллар давомида ўртадаги сир қандай бўлса шундай сақланган, бу борада энди оилали ва фарзандли аёлларга айланган икки қиз билан ота-оналар ўртасида ҳеч қандай суҳбат бўлиб ўтмаганди. Шу сабаб отасининг таъзиясида юраги куйиб турган Садоқат «дадажон», дея айтиб йиғлашга ўзида журъат топмас, бу алам унинг кўксини баттар куйдирарди. Унинг ҳолатини сезиб турган аммаларидан бири кўзидан шашқатор ёш оқаётган Садоқатга яқинлашдию, дилидаги гапни яшира олмади:

– Дадажон деб йиғламайсанми? Акагинам сенинг шу бир оғиз сўзингга зор бўлиб ўтди. Энди бу дунёдан кетаётганда шу меҳрингни дариғ тутма. Айт, айтиб йиғла.

Унинг сўзини эшитиб турган мотам либосидаги Лобар ёши катта бўлишига қарамай бу сўзни ҳазм қила олмади. Дод солиб, йиғлаганча хоналардан бирига кириб кетди. Йиллар давомида Садоқатнинг кўксини неча бор эзиб келган Лобарнинг бу рашки бугун янада оғир ботди. Бироқ унинг дилини ранжитмаслик учун ҳам аммасининг айтганини қила олмади, дардини ичига ютди. Шу куни тушига дадаси кирди. Ниҳоятда салобатли бўлиб кетган Раҳматилла ака тушида Садоқатга илтижоли боқиб. «Она қизим, бир марта дада дегин, бир марта дада деб айт, бўлмаса бу дунёдан кўнгил узиб кетолмаяпман», дермиш. Садоқат минг ҳаракат қилмасин унинг айтганини қила олмай уйғониб кетди. Тушининг таъбирини таъзиядаги аммаси айтган сўзга йўйди. Аммо эртасига яна худди шу туш такрорланди. Бу гал Садоқат дадасининг оёқларини қучганча «дадажон» деб йиғладию, хўрсиниб уйғониб кетди. Бағри куюк ота тушида уни бошқа безовта қилмади. Ёшлари қирқдан ошиб, ўткинчи дунёнинг синовларида тобланган икки дугона илк маротаба юракдан суҳбатлашиб олишди. Туғруқхона воқеаси, ўртада бўлиб ўтган баъзи бир тушунмовчиликлар, рашк сабаб юзага келган кўнгилсиз ҳоллар, барча-барчаси учун улар бир-бирларидан чин дилдан кечирим сўрашди. Ҳаммасини унутиб садоқатли дугона бўлиб қолишга аҳд қилишди. Лекин бу уларнинг сўнгги учрашув, сўнгги суҳбати эканлигидан иккиси ҳам бехабар эди. Орадан кўп ўтмай Лобар автоҳалокат сабаб ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ўша куни оломон уни сўнгги манзилга қўйиб қайтгач, қабристонда ёлғиз қолган Абдуҳамид ака қизининг совуқ қабрини қучганча аччиқ кўз ёш тўкди, фарёдини яширмади. Ота бўлиб узата олмаган меҳри, қизи сифатида айтолмаган дардлари, турмушидаги кўнгилсиз паллалар – эрининг хиёнати, хўрлигига учраганда унга муносиб таянч бўлолмаганидан қаттиқ ўксинди. Бу армон қалтис хато сабаб, бир умр ўз туйғуларини яшириб келган ота-оналар учун ҳам қай даражада оғир кечганлигини англаш қийин эмасди...


Охират синовларини эслатувчи сокин қабристон. Ёши элликлардан ошган Садоқат опа онаси Меҳри холанинг қабри бошида дардларини тўкаяпти: «Онажон, мени бир умр авайлаб, эркалаб, кимлардандир қизғониб яшадингиз. Сизга муносиб фарзанд бўла олдимми, йўқми буни билмадим. Лекин менинг севимли ва меҳрибон онам фақат сиз бўлиб қолдингиз. Оналик меҳрининг қай даражада буюклигини Сиз сабаб теран ҳис қилдим. Йиллар мени Сиздан, икки отамдан айирди. Ҳозир фақатгина туққан онам ҳаёт. Имкон бўлди дегунча уларни ҳам зиёрат қилиб, дуосини олиб тураман. Фақат, фақат Сизнинг ўрнингизни ҳеч ким боса олмайди. Туғилган гўшамга йўлим тушса, уларни кўрмай қайтишим мумкин. Аммо асло қабрингизни зиёрат қилмасдан ортга қайтмайман. Чунки Сиз менинг яккаю ёлғизимсиз, Онажон...»

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА


ЗА СЧЕТ УСТАНОВКИ БРОНЕВОЙ ПЛИТЫ

Британская компания «Криэйшн» ведет научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР) по созданию новой платформы для бронированных автомобилей, которая в перспективе может заменить состоящие в настоящее время на вооружении легковые машины типа «Лэндровер». Конструкция новой платформы предполагает полное бронирование днища под рамой машины, а также использование уже хорошо зарекомендовавших себя унифицированных узлов и агрегатов от автомобиля «Лэндровер дефендер». По мнению разработчиков, платформа обеспечит защиту экипажа от взрыва противотанковой мины под передней колесной подвеской мощностью до 6 кг и под днищем до 7 кг в тротиловом эквиваленте. Это будет достигнуто за счет установки броневой плиты V-образного профиля, выполненной заодно с усиленным шасси рамной конструкции. Машину планируется оснастить дизелем MAN DO83LFL и автоматической трансмиссией фирмы «Аллисон». В настоящее время проектируются бронеавтомобили для перевозки личного состава специального и общего назначения.




ОБЕСПЕЧИТ ЧЕТКОЕ ИЗОБРАЖЕНИЕ

Специалисты американской фирмы «Д-стар инжиниринг» при поддержке исследовательской лаборатории ВВС США проводят НИОКР по созданию гибридного БЛА нового поколения, получившего название «Аэроленскрафт». Аппарат будет способен вести воздушную разведку на высотах до 21600 м без посадки и дозаправки продолжительностью до одного года. Электрическая силовая установка и оборудование БЛА в течение светлого времени суток записываются от фотоэлементов, избыток энергии которых используется для обеспечения химической реакции водорода и кислорода, сопровождающейся выделением энергии (тепла). Благодаря большому внутреннему объему аппарата для хранения водорода не требуются баки высокого давления, а также компрессоры и теплообменники. Водород обеспечивает аппарату необходимую подъемную силу и служит топливом для электрохимических генераторов, в которых взаимодействует с кислородом воздуха. В результате реакции этих двух элементов происходит выделение энергии и образование водяного конденсата. За счет линзовидной формы на больших высотах аппарат будет развивать истинную скорость (относительно земли) до 350 км/час, обеспечивая получение изображения наземных объектов с гораздо лучшим разрешением, чем спутники, находящиеся на высотах в десятки раз больше потолка БЛА «Аэроленскрафт».




ИККИ ТИПДАГИ СНАРЯДЛАР БИЛАН

Швейцариянинг «Скайрэйнджер» деб номланган ўзиюрар зенит қурилмаси «Эрликон контравес» компанияси мутахассислари томонидан «Моваг» фирмасининг «Пирана-3» русумли зирҳли транспортёри (БТР) асосида яратилган. Мазкур қурилма шу номдаги истиқболли мобил ракета-артиллерия мажмуи таркибига киради. Ўзиюрар зенит қурилмаси ҳаво ҳужумидан мудофаа билан боғлиқ жанговар вазифаларни ракета-артиллерия мажмуи таркибида бажариши ва нишон борасидаги кўрсатмаларни радиоканал орқали ўт очишни бошқариш пункти радиолокация тизимидан олиши ҳам, ўзи мустақил равишда ҳаракатланиши ҳам мумкин. Унга ҳаво нишонларини пассив разведка қилиш ва уларни кузатиб бориш учун мўлжалланган оптоэлектрон блок ўрнатилган. Мазкур блок таркибига телевизион, тепловизион камералар ва лазерли масофа ўлчагич киради ҳамда у қурилманинг масофадан бошқарилувчи айланма башнясига монтаж қилинган. Барабан типидаги 35 мм.ли автоматик тўп (отиш тезлиги дақиқасига 1000 та ўқ узиш) 4 км.гача узоқликдаги ҳаво нишонлари яксон қилинишини таъминлайди. Унинг жанговар захираси икки типдаги, шу жумладан АНЕАД типидаги 220 та снаряддан иборат. АНЕАД снаряди 152 та тайёр зарба берувчи элементлар билан тўлдирилган ва кинетик ҳаракатланувчи парчалар




(осколкалар)нинг йўналтирилган майдонини яратган ҳолда ҳаво нишонидан 10-40 метр олдинроқда портлашга дастурланади. Ўзини мудофаа қилиш мақсадида ердаги нишонларга қарши отиш ҳам олиб борилиши мумкин. «Скайрэйнджер» ҳарбий мутахассислар эътиборига биринчи марта 2004 йилда намойиш этилган.

УЗОҚ МУДДАТ ЖАНГОВАР САФДА



ДНС–4 «Карибу» русумли ҳарбий-транспорт самолёти Канаданинг «Бомбардьер аэроспейс де хавилэнд» компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу самолётнинг дастлабки прототипи ўзининг биринчи учишини 1958 йилнинг 30 июлида амалга оширган. Самолёт қуйидаги асосий техник-тактик тавсифларга эга: экипаж икки кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 12928 кг, максимал юкланиши 3965 кг, максимал крейсерлик учиш тезлиги соатига 293 км, энг баланд кўтарилиш нуқтаси 7560 м, максимал учиш узоқлиги 2103 км. «Карибу»нинг узунлиги 22,13 м, баландлиги 9,7 м, қанот кўлами 29,15 м, майдони 84,72 кв.м. Самолётнинг кучланиш қурилмаси таркибига «Пратт энд Уитни» компаниясининг икки-та R-2000-72M2 русумли, 14 цилиндрли поршенли двигатели киради. Бу двигателлар уч парракли винтлар билан жиҳозланган. Ҳарбий-транспорт самолёти 32 нафаргача ҳарбий хизматчи ёки 22 нафар носилкадаги яradорларни олиб учиши мумкин. Пилотаж-навигация ускуналари самолётдан кундузи ва тунда, оддий ва мураккаб об-ҳаво шароитларида фойдаланиш имконини таъминлайди. Ҳаммаси бўлиб ушбу самолётлардан 307 та ишлаб чиқарилган бўлиб, улардан 157 таси CV-2 (дастлаб AC-1) белгиси остида АҚШнинг қуриқликдаги қўшинлари ҳарбий техникаси таркибидан жой олган.

ЖАНГОВАР ОҒИРЛИГИ ЎЗГАРИШИ МУМКИН



Польшанинг «Зубр» русумли зирҳли автомобили (ғилдираклар формуласи 4x4) «AMZ–Кутно» компанияси мутахассислари томонидан «Ивеко ЕвроКарго» русумли Европа тижорий юк автомобили асосида яратилган. «Зубр» 10 нафаргача барча зарур нарсалар билан тўлиқ таъминланган пиёдаларни олиб юриш учун мўлжалланган. Улар ўз ўринларини машинанинг қуйруқ қисмидаги эшик орқали эгаллайдилар. Автомобиль зирҳи экипаж (икки киши) ва десантчиларнинг калибри 7,65 x 44 мм бўлган ўт очиш қуроли зарбасидан ҳимоя қилинишини таъминлайди, корпуснинг V-симон шаклдаги таг қисми эса миналар ва қўлбола портловчи қурилмалар портлаши натижасида юзага келадиган запрб тўлқини таъсирини камайтиради.

Зирҳли автомобилнинг узунлиги 6,95 м, эни 2,45 м, баландлиги 2,65 м. Шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 100 км, ёқилғи бўйича юриш захираси 600 км. «Зубр»нинг жанговар оғирлиги қўйилган вазифа ва зирҳли ҳимоя тоифасига қараб 10 дан 15 тоннагача ўзгариши мумкин. Мазкур зирҳли машина асосида унинг қўмондонлик-штаб, алоқа, мобил зенит-ракета мажмуи ва бошқалар сифатидаги вариантларини яратиш кўзда тутилмоқда. «Зубр» белгиланган ҳудудга С-130 «Геркулес» русумли ҳарбий-транспорт самолётида етказилиши мумкин.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

TV ДАСТУР

19 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Маънавият» дастури.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «КиноТеатр».
11.40 «Саломат бўлинг!»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ер фарзанди».
13.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
14.00 «Ахборот».
14.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
15.05 «Ватанпарвар».
15.45 «Олам ва одам» дастури: «Маи-маи овловчилари».
16.15 «Бир кун».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».
17.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тупроқдаги мўъжиза».
19.00 «Менинг оилам».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Моби Дик». Б/ф. 1-қисм.
23.45 «Олам ва одам» дастури: «Об-ҳаво мўъжизалари».
01.00 «Ахборот» /рус/.
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қишлоқ ҳаёти».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
05.10 «Ўзбекистон табиати».
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Диёнат». В/ф.
8.45 Наманган вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Чуст пичоғи».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.40 «Миллий мультфильм».
10.50 «Кичкинтойлар боғи».
11.00 «Тарих дарси».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Конституция дарси».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Илҳом қанотлари».
16.45 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
17.00 «Kinomaniya».
17.30 «Дўстлик». Б/ф. 1-қисм.
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Соғлик — бойлик».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.30 Миллий кино: «Қизғалдоқ».
00.10 «Мўъжизавий дунё».

ТОШКЕНТ

15.00 «Пойтахт».
15.20 «Куз эртаги». Т/с. 1-қисм.
16.15 «Саргузаштлар ороли».
16.40 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
16.50 «Карвонсарой».
17.00 «Аёл қалби».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 1-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18,15 «Анонс».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 Мумтоз наволар.
19.50 «Саломат бўлинг!» /рус/.
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
Бевосита мулоқот.
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Крошка из Беверли-Хиллз». Х/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.30 «ПрофРИНГ».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Кураш. Жаҳон чемпионати.
19.45 ИнтерФутбол.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил.).
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Машъал» — «Бунёдкор».
23.30 Бокс. Халқаро турнир.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

20 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Бизнинг кутубхона».
9.55 Хоразм вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: «Қишлоқ обод — юрт обод».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
11.50 «Ахборот» /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Геологик қўриқхона».
16.30 «Очун».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.55 «ТВ-бизнес хабарлари».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хива гиламлари».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Тарих кўзгуси».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.45 «Моби Дик». Б/ф. 2-қисм.
23.50 «Олам ва одам» дастури: «Об-ҳаво мўъжизалари».
00.35 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қадимий ва афсонавий Марғилон».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
05.30 «Навоийни англаш».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Оққуш».
8.45 Жиззах вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Бахмал олмаси».
9.00 «Тошкент таронаси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Даврининг боласи».
10.20 «Миллий мультфильм».
10.30 «Сирли ўрмончча».
10.50 «Келажак эгалари».
11.00 «Тарих дарси».
11.50 «Автопатруль».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Конституция дарси».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Ватанпарвар».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 «Ҳаёт завқи».
17.00 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
17.20 «Ҳаёт симфонияси».
17.30 «Дўстлик». Б/ф. 2-қисм.
18.40 «Миллий мерос».
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Инсон психологияси».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.30 Жаҳон киноси: «Китни жиловлаган қиз».
00.10 «Мўъжизавий дунё».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.30, 15.00, 18.30, 21.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
10.20 «Саломат бўлинг!» /рус/.
10.30, 20.00 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Ҳақиқат чегараси» /рус/.
11.10 «Йўлбошчи». Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 1-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
15.20 «Қақнус». Т/с. 1-қисм.
17.05 «Истеъдод».
17.20 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 2-қисм.
18.15 «Қонун доирасида».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Моҳир» /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж» /рус/.
21.10 «Менинг маҳаллам».
22.25 «Иллюзионист». Х/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб тил.).
9.55 «Спорт — менинг ҳаётим».
10.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Машъал» — «Бунёдкор».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Кураш. Жаҳон чемпионати.
19.40 Футбол. Обзор матчей чемпионата Италии.
20.05 Бокс. Халқаро турнир.
21.05 «Футбол мундиал».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Локомотив» — «Насаф».
23.40 Футбол УЕФА чемпионлари лигаси.
«Барселона» — «Рубин».

21 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Чорраҳа».
9.55 «Ягона оилада».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
13.35 «Эски альбом».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси».
16.00 «Ўйла! Изла! Топ!»
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тандир».
19.05 «Кун мавзуси».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.15 «Сайлов — демократия кўзгуси».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси.
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 «Моби Дик». Б/ф. 3-қисм.
23.40 ТВ-анонс.
23.45 «Олам ва одам» дастури: «Об-ҳаво мўъжизалари».
00.30 «Ўзбегим либослари».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қадимий ва афсонавий Марғилон».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Қаллоблар».
05.05 «Ўзбекистон табиати».
05.25 «Рангин дунё».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Оққуш».
8.45 «Япон боғи». Х/ф.
9.00 «Нафосат олами».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Даврининг боласи».
10.20 «Миллий мультфильм».
10.30 «Китоб — офтоб».
10.40 «Чашма».
10.45 «Қишлоқ ва таълим».
11.00 «Тарих дарси».
11.50 «Соғлик — бойлик».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Конституция дарси».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Илҳом қанотлари».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги тенгдошим».
17.00 «Табассум қил!»
17.30 «Жумбоқ». Б/ф. 1-қисм.
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Келажак эгалари».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.30 Миллий кино: «Ўттан кунлар».
00.10 «Мўъжизавий дунё».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30, 15.00 «Пойтахт».
9.40 «Қонун доирасида».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Репортаж» /рус/.
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Ҳақиқат чегараси» /рус/.
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Камтарин қулингиз». Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 2-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
15.20 «Қақнус». Т/с. 2-қисм.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.05 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.15 «Карвонсарой».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 3-қисм.
18.20 «Саломат бўлинг!»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Тошкентда латифа».
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью» /рус/.
21.30 «Пойтахт».
22.25 «27 свадеб». Х/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 «Баркамол авлод».
10.10 Футбол УЕФА чемпионлари лигаси.
«Барселона» — «Рубин».
18.00 «Футбол шарҳи».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.50 Кураш. Жаҳон чемпионати.
19.35 Футбол УЕФА чемпионлари лигаси.
«Ливерпуль» — «Лион».
21.10 «Хабарлар» (узб. тил.).
21.30 Футбол УЕФА чемпионлари лигаси.
«Цска» — «Манчестер юнайтед».
23.40 Футбол УЕФА чемпионлари лигаси.
«Реал» — «Милан».
01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

22 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Ғаройиб оқшом».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Мулкдор».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ шифокори».
11.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Танбур».
11.50 «Ахборот» /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Камолот остонаси».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Куз».
16.20 «Аждодлар мероси — келажак пойдевори». 1-қисм.
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Стандарт ва сифат».
17.30 «Ҳаёт манзаралари».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мафтункор кабутарлар».
19.00 «Одамлардан бири».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.45 «Ўн дақиқа: Виолончель». Б/ф.
23.35 «Олам ва одам» дастури: «Об-ҳаво мўъжизалари».
00.15 «Тараннум».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қадимий ва афсонавий Марғилон».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Ғаройиб оқшом».
05.05 «Ўзбекистон табиати».
05.25 «Хонадон».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Оққуш».
8.45 «Нақшлар камалаги».
9.00 «Тошкент таронаси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Даврининг боласи».
10.20 «Миллий мультфильм».
10.30 «Кичкинтойлар боғи».
10.50 «Келажак эгалари».
11.00 «Тарих дарси».
11.50 «Тасвир ва тассурот».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Конституция дарси».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Тараннум».
15.40 «Қишлоқ тараққиёти».
16.10 «Даврининг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16,45 «Чуст пичоғи».
17.00 «Чемпион».
17.20 «Табассум қил!»
17.30 «Жумбоқ». Б/ф. 2-қисм.
18.40 «Миллий мерос».
18.50 «UzEX».
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Kinomaniya».
20.50 «Кўнгил».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.30 Жаҳон киноси: «Кумал ва Сунга».
00.10 «Мўъжизавий дунё».

TV ДАСТУР

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Интервью» /рус/.
10.20 «Дурдона».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Ҳақиқат чегараси» /рус/.
11.10 «Нофелет қаерда?» Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 3-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Қақнус». Т/с. 3-қисм.
16.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.00 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 4-қисм.
18.15 2009йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Иқтисод-ревю» /рус/.
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Эътиқод».
21.30 «Пойтахт».
22.25 «Телепорт». Ҳ/ф.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 «Ring».
10.25 Футбол УЕФА чемпионлари лигаси. «Реал» – «Милан».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Спорт салтанати».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Кураш. Жаҳон чемпионати.
19.45 ИнтерФутбол.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
22.00 Футбол. Европа лигаси. «Бенфика» – «Эвертон». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.50 Бокс. Халқаро турнир.
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

23 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.15 ТелеТеатр: «Ғаройиб оқшом».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
15.35 «Муқаддас қадамжолар».
15.55 «Пазм ва наво».
16.20 «Аждодлар мероси – келажак пойдевори». 2-қисм.
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Очун».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус /.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Буюк аждодларимиз».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Ўн дақиқа: Труба». Б/ф.
23.30 «Ҳамроҳ туйғулар». Ҳ/ф.
00.20 «Пазм ва наво».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тандир».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Муқаддас қадамжолар».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТелеТеатр: «Ғаройиб оқшом».
05.05 «Ўзбекистон табиати».
05.25 «Буюк аждодларимиз».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Оққуш».
8.45 «Афсонавий шаҳарда».
9.00 «Нафосат олами».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Миллий мультфильм».
10.30 «Чашма».
10.35 «Сирли ўрмонча».
10.55 «Қишлоғимга хат».
11.00 «Тарих дарси».
11.50 «Чемпион».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Илҳом қанотлари».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 «Ҳаёт завқи».
17.00 «Автопатруль».
17.20 «Миллий мерос».
17.30 «Қалб туғёни». Б/ф. 1-қисм.
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Бугун».
20.55 «Аёлга таъзим».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.30 Миллий кино: «Шабнам».
00.10 «Мўъжизавий дунё».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 19.40 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30, 15.00, 18.30 «Пойтахт».
9.40 2009йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
10.20 «Репортаж».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Ҳақиқат чегараси» /рус/.
11.05 «Уйларим».
11.10 «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи». Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 4-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.50 «Иқтисод-ревю» /рус/.
15.20 «Қақнус». Т/с. 4-қисм.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.05 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.15 «Карвонсарой».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 5-қисм.
18.20 «Афиша» /рус/.
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.45 «Саломат бўлинг!»
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью».
21.10 «Эртамиз эгалари».
21.30 «Пойтахт».
22.25 «Герой». Ҳ/ф.

СПОРТ.

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.55 Футбол. Европа лигаси. «Бенфика» – «Эвертон».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 Кураш. Жаҳон чемпионати.
19.40 «Гол».
20.40 Бокс. Халқаро турнир.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.55 «Аптека слушает».
22.40 ИнтерФутбол.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

24 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 Миллий кино: «Севги хатолари». 1-қисм.
7.50 «Тонги наволар».
8.00 «Ахборот».
9.35 «Мусиқа дунёси».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маърит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
13.50 «Ҳаёт манзаралари».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кема». Б/ф.
16.30 «Ўйла! Изла! Топ!»
17.10 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.30 «Минг бир маслаҳат».
17.55 «Қорақалпоқ наволари».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Рангин дунё».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Кинотақдим».
22.00 «Тайр сулоласи ҳақида қисса». Б/ф.
24.00 Миллий кино: «Ёр-ёр».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Кинотақдим».
02.55 «Ҳаёт сўқмоқлари».
03.25 «Рангин дунё».
03.45 «Шарқ тароналари».
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий кино: «Майсаранинг иши». 1-қисм.
04.30 «Чемпион».

ЁШЛАР

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Оққуш».
8.40 «Навбатчи».
9.00 «Тошкент таронаси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Тафаккур чироғи».
10.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Миллий мультфильм».
10.30 «Шумтакалар». Б/ф.
12.00 «Ҳаёт симфонияси».
12.10 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.55 «Конституция дарси».
13.00 «Давр».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Экрандаги олабўжи».
15.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
16.00 «Давр».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Чемпион».
17.30 «Қалб туғёни». Б/ф. 2-қисм.
18.50 «Миллий мерос».
18.55 «Билим ва тафаккур».
19.00 «Давр».
19.30 «Кўнгил боғи». Т/с.
20.20 «Айланай».
20.40 «13-студия».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.00 «Давр».
22.30 Жаҳон киноси: «Жавоҳир полициячи».
00.00 «Тунги парвоз».
00.30 Жаҳон киноси: «Меҳмон».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.45 «Интервью».
10.20 «Афиша» /рус/.
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Ҳақиқат чегараси» /рус/.
11.05 «Уйларим».
11.10 «Тарвуз». М/ф.
11.25 «Саломат бўлинг!»
11.35 «Моҳир» /рус/.
11.50 «Уста». Т/ф.
12.15 «Эртамиз эгалари».
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 5-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
15.20 «Қақнус». Т/с. 5-қисм.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.00 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 6-қисм.
18.20 «Афиша».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Мафтун».
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ижроси юзасидан «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Истеъдод».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Уйларим».
22.25 Индийское кино: «Всё в жизни бывает». Ҳ/ф. 1-я и 2-я серии.

СПОРТ

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.25 «Жасур болалар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
10.25 «Кири масхарабоз». Мультфильм.
10.30 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
12.30 «Фото-ревю».
12.55 Экстремал спорт мусобақаси: «Паҳлавонлар беллашуви».
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бунёдкор» – «Локомотив». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.20 «Хабарлар» (рус тил.).
18.45 «Военное дело».
19.05 «Соғлом оила».
19.30 «Аёл ифори».
19.50 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
20.30 «Файтер». Восточные единоборства.
21.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.25 Футбол. Англия чемпионати. «Челси» – «Блэкберн». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.25 «Ring».

25 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ-анонс.
7.10 Миллий кино: «Севги хатолари». 2-қисм.
7.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Айиқча ва аждарҳо». М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Оҳанрабо».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Очиқ дастурхон».
13.30 «Кичкинтой сайрга чиқди». Б/ф.
14.55 ТВ-анонс.
15.00 «Хатолар ороли». М/ф.
15.45 Миллий кино: «Нотаниш полвон».
17.05 «Ҳамон ёдимда...»
17.45 ТВ-анонс.
17.50 «Денгиздан томчи».
18.20 «Заковат».
19.20 ТВ-анонс.
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Эл тинчлиги йўлида».
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Лочинбоз Томас». Б/ф.
00.30 «Денгиздан томчи».
01.00 «Таҳлилнома» /рус/.
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.15 «Минг бир ҳунар».
02.30 «Ҳамон ёдимда...»
03.10 «Очиқ дастурхон».
03.40 «Ўзбегим матолари».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Майсаранинг иши». 2-қисм.
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «Бугун».
7.30 «Табассум қил!»
8.00 Жаҳон киноси: «Сичқон ови».
9.30 «Тошкент илҳомлари».
9.40 «Соғлик – бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «Конституция дарси».
11.30 «Уч кунлик дунё». Спектакль.
13.00 «Инсон психологияси».
13.30 Киноклассика: «Ы» операцияси».
15.00 «Камолот хабарлари».
15.10 «Айланай...»
15.30 «Эртаклар оламида».
17.00 «Шарқ оҳанглари».
17.50 «Самовий ишқ». Т/с.
18.50 «Миллий мерос».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
21.00 «Kinomaniya».
21.30 «Мен борман-ку». Б/ф.
00.30 «Юрт тинчлиги».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Анонс».
9.45 «Диёрим табиати». Т/ф.
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша».
10.30 «Пойтахт» /рус/.
10.40 «Саргузаштлар ороли».
11.05 «Уйларим».
11.10 «Такси». Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 6-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Афандининг беш хотини». Ўзбек Давлат миллий драма театрининг спектакли.
15.55 «Телекурьер-маркет».
16.15 «Анонс».
16.20 «Истеъдод».
16.40 «Карвонсарой».
16.50 «Болаликка қайтиб».
17.05 «Тошкентда латифа».
17.10 «Орзулар изтироби». Б/ф.
18.55 «Телекурьер-маркет».
19.15 «Нима учун?»
19.55 «Анонс».
20.00 «Кинотақдим».
20.25 Мумтоз наволар.
20.30 «Тошкент оқшомлари».
20.55 «Туризм ҳақида» /рус/.
21.25 «Кино SMS со звёздами»: «Шестой день», «Шестое чувство», «Двойной просчёт».

СПОРТ


8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.20 «Кувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
10.25 «Кири масхарабоз». Мультфильм.
10.30 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
12.30 «Гол».
13.30 «Аёл ифори».
18.00 «АВТОграф».
18.25 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
18.55 Футбол. Англия чемпионати. «Ливерпуль» – «Манчестер юнайтед». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.55 «Вилоят спорти».
22.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.35 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
23.15 «ПрофРИНГ».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

ДИМЛАНГАН ГЎШТ



Керакли масаллиқлар: 500 г. лахм гўшт, 2 дона пиёз, 1 ош қошиқ ун, 3 ош қошиқ томат пастаси, кўкатлар ҳамда туз, мурч (таъбга кўра), 3–4 дона лавр барглари, 100 г. ўсимлик ёғи.

Тўртбурчак шаклида тўғралган гўштни қиздирилган ёғда баланд оловда 5 дақиқа қовурамиз. Унга майда тўғралган пиёзни солиб, ўртача оловда аралаштириб турган ҳолда 5–7 дақиқа давомида қовуришда давом этамиз. Сўнгра ун, туз, мурч сепамиз ва томат пастаси солиб, яхшилаб аралаштирамиз. Аралашма устига 2 стакан сув қуйиб, лавр баргларини солиб, қозон қопқоғини ёпамиз. Паст оловда 1 соат давомида димлаймиз. Таом дастурхонга қайнатилган гуруч ёки қовурилган картошка билан, кўкатлар сепиб безатилган ҳолда тортилади.

ЯИЧНИЦА В ПОМИДОРАХ



Состав: помидоры – 2 шт.,яйца – 2 шт., соль, перец, сливочное или растительное масло, зелень.

Приготовление: Помидоры вымыть, обсушить.

У каждого помидора срезать плодоножку и аккуратно, при помощи ложечки, удалить мякоть. Помидоры немного посолить внутри и смазать маслом.

Форму для запекания или сковороду смазать маслом и поместить помидоры в форму.

В отверстие каждого помидора разбить яйцо, стараясь не повредить желток. Посолить, поперчить. Запекать при температуре 180 С градусов 20 минут.

При подаче посыпать рубленой зеленью.

Полезные советы

ВАРЕНЬЕ ИЗ ГРУШ

Состав: груши – 1 кг, сахарный песок – 4,5 стакана, вода – 3 1/4 стакана.

Приготовление: взять такой сорт груш, который при варке медленно разваривается. Груши можно варить целыми, нарезанными половинками или четвертинками, удалив сердцевину. Подготовленные груши варить в подкисленной воде 8-15 мин и немедленно охладить в холодной воде; затем залить горячим сиропом, приготовленном из сахара и воды, в котором варились груши. Поставить на 3-4 часа в прохладное место, снова варить 3-4 мин, после чего выстоять 10-12 часов. Варку с выстаиванием повторить 3-4 раза, пока груши не сделаются прозрачными. В конце варки можно добавить 1-2 г ванильного сахара и 1-2 чайные ложки раствора лимонной кислоты. Готовые сваренные фрукты надо переложить ложкой в чистые стеклянные банки и залить горячим сиропом. Затем закатать крышками.



Bolajonlar, sizlar uchun!



TOPISHMOQLAR

Huv-huvlaydi tun bo‘yi,
O‘rmondir uning uyi.
Qo‘rqinchli ko‘zi cho‘g‘li,
Uning nomi .....

(Boyo‘g‘li)

Suti o‘xshar qaymoqqa,
Yetar mushuk, buzoqqa.
O‘zi yuvosh va sezgir,
Nomi-chi uning .....

(Sigir)

O-o-u desang, der o-o-u,
Kulsang, qaytadi kulgu.
Mo‘jizadir bu sado,
Nomi bilsang .....

(Aks sado)



OHANRABO

(ertak)

Qadim zamonda bir qishloqda ona-bola yashar ekanlar.

– O‘g‘lim, – debdi onasi bir kun, – manavi pulni olda, bozorga borib, non keltir.

Bola pulni olib, ko‘chaga chiqibdi. Ko‘chada bir to‘p bolalar uymalashib, oriq bir mushukchaning dumiga ip bog‘lab qiynashayotgan ekan. Bolaning rahmi kelib:

– Hoy bolalar, mushukchani sotmaysizlarmi? – debdi.

– Sotamiz, – debdi bolalar.

– Necha pul?

– Besh tanga.

– Mana, olinglar! – bola bor pulini beribdi-da, mushukchani olib uyiga qaytibdi.

– Olib keldingmi? – deb so‘rabdi onasi.

– Ha, lekin non emas, mushukcha keltirdim, – debdi o‘g‘li.

– Voy o‘g‘lim, bu nima qilganing?

Bola voqeani onasiga tushuntiribdi.

– Bir kun non yemasak hech narsa qilmas!

– Mayli, bo‘lar ish bo‘libdi, – debdi onasi.

Yana bir kuni onasi pul berib, o‘g‘lini go‘sht olib kelgani qassobga yuboribdi.

Bola ko‘chadan o‘tib ketayotsa, bir to‘da bolalar oriq bir kuchukchani o‘rtaga olib, toshbo‘ron qilayotgan ekanlar.

– Ur tumshug‘iga!

– Sol kallasiga!

Bolaning rahmi kelibdi.

– Hoy bolalar, – debdi u, – kuchukchani sotmaysizlarmi?

– Sotamiz.

– Necha pul?

– Borini beraqol.

– Mana, olinglar!

Bola pulni beribdi-yu, itni uyiga olib ketibdi.

– Ha, o‘g‘lim, go‘sht keltirdingmi? – deb so‘rabdi onasi.

– Oyijon, meni urushmang, bergan pulingizga kuchukcha sotib oldim.

– Voy o‘g‘lim-ey! O‘zimiz kambag‘al bo‘lsak, go‘sht sotib olish uchun zo‘rg‘a jamg‘argan pulimizga kuchukchani sotib olganing nimasi? Uni qanday boqamiz?

– Bir kun go‘sht yemasak hech narsa qilmas. Kuchukchani bir balo qilib boqamiz.

Yana bir kun onasi o‘g‘liga pul berib, yog‘ olib kelgani bozorga yuboribdi.

Bola bozorga kelayotsa, yo‘lda bir to‘p bolalar yig‘ilishib, qopqonga tushgan bir sichqon bolasini qiynashayotgan ekan: dumidan tortishar, quvishar, sichqon bechora o‘zini urgani joy topolmas ekan.

Bolaning sichqonga rahmi kelibdi.

– Hoy bolalar, sichqonni sotmaysizlarmi? – debdi u.

– Sotamiz! – deyishibdi bolalar.

Bola sichqonni sotib olib, uyiga kelibdi.

– Ha, o‘g‘lim, yog‘ keltirdingmi? – deb so‘rabdi onasi.

– Kechiring gunohimni! – debdi bola va voqeani gapirib beribdi.

Onasi o‘g‘lini yaxshi ko‘rganidan bu safar ham indamabdi.

Kunlar o‘taveribdi. Bola voyaga yetibdi. Mushukcha, sichqoncha, kuchukcha katta bo‘libdi.

Kunlardan bir kun yigitcha daryodan baliq tutib kelibdi. Uni tozalab, buyragini itga tashlabdi.

Iti unga buyrakdan quyoshday nur sochib turgan kichkina bir tosh topib beribdi. Bu tosh ohanrabo ekan.

Yigitcha juda suyunib ketibdi. Ohanraboni tili tagiga qo‘yib, tilabdi:

– Ovqatimiz mo‘l bo‘lsin!

Shunday debdi-yu, atrofiga qarabdi. Qarabdi-yu, og‘zi ochilib qolibdi: nima ovqat desangiz hammasi tap-tayyor bo‘libdi.

Yigitcha onasining oldiga yugurib borib, ohanraboni ko‘rsatibdi. Onasi o‘zida yo‘q xursand bo‘libdi. Shu kundan boshlab hech kamlik ko‘rmay hayot kechira boshlashibdi.

Kunlardan bir kun yigitcha xon qizini ko‘rib qolibdi. Qiz juda chiroyli ekan.

– Men xon qiziga uylanaman, – deb ahd qilibdi yigitcha va onasidan sovchilikka borishni so‘rabdi.

– Voy o‘g‘lim, biz kambag‘al bo‘lsak, biz qayda-yu, xon qayda? Yo‘q, bormayman! – debdi onasi.

– Yo‘q borasiz! – deb turib olibdi yigitcha.

Ona noiloj rozi bo‘libdi va ming mashaqqatlar bilan xon saroyiga kiribdi.

Ertalab xon saroyiga kelsa, eshik oldi supurilgan emish. Birinchi safar xon bunga uncha e’tibor berib o‘tirmabdi. Ikkinchi kun ertalab qarasa, yana eshik oldi supurilgan emish. Xon hayron bo‘lib, poyloqchilar qo‘yibdi.

Uchinchi kun poyloqchilar eshik supurib turgan onani tutib xon huzuriga keltiribdilar.

– Muddaongni ayt! – debdi xon dag‘dag‘a qilib.

– Qizingni o‘g‘limga so‘rab, quda bo‘lgani keldim, – debdi ona titrab-qaltirab.


Xon onani o‘limga buyurmoqchi ekan, o‘ng qo‘l vaziri unga maslahat beribdi:

– Davlatpanoh! Undan bajo keltira olmaydigan bir narsani talab qiling, qaytib dargohingizga oyoq bosmaydi-qo‘yadi.

(Davomi bor).

БЕКАТ

СКАНВОРД



ГАЗЕТАНИНГ 41-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Ишбилармон. «Зонд». Овул. Тикан. Оламгир. Ошиқ. Дол. Наби. Киото. Девор. Май. Ит. Рамазон. Копток. Шарҳ. Гаров. Алоқа. Имон. Трос. Шом. «Рома». Дуо. Пи. Оқил. Қуролсозлик.

БЎЙИГА: Истанбул. Бекобод. Лена. Мақом. Адл. Ринг. Озор. Раста. Илк. Нурота. Эгар. Алишер. Рим. Домна. Асо. Лойиҳа. Кома. Иваново. Олти. Ошкор. Оҳу. По. Қошиқ. Малак. Ди. Ёл.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



Хорошая неделя для повышения энергетического потенциала и укрепления собственного здоровья. У вас могут раскрыться способности, ярко и талантливо проявится ваша творческая натура. Удача на этой неделе будет сопутствовать вам во многом. Вы ощутите прилив сил и активности.



В вашей жизни наступает хороший период, можно даже сказать – новый этап. В начале недели вероятны интересные встречи. Для достижения хороших результатов на работе вам потребуется проявить выдержку и настойчивость. Позаботьтесь о своих близких – им так необходимо ваше внимание.



На этой неделе умение анализировать и наводить порядок в мыслях будет просто необходимо для успеха. Будут удачны поездки и начало командировок. В середине недели желательно не планировать ничего серьезного – лучше отдохнуть на природе. Стоит позаботиться о своих детях и об их будущем.



Сделки на этой неделе будут приносить стабильный доход. Будут удачны встречи, обмен информацией и короткие деловые поездки. Последние окажутся весьма эффективны и позволят создать прочный финансовый запас. Желательно не строить наполеоновских планов.



Эта неделя будет полна разнообразными событиями. В начале недели можете запланировать самые разные дела, так как ваш энергетический потенциал будет на высоком уровне. Вас обрадуют позитивные события, пришедшие в вашу жизнь. Выходные конструктивны для деловых встреч, заключения договоров и сделок.



На этой неделе возможно мимолетное, но приятное знакомство. Будут удачными переговоры, короткие поездки, издательская деятельность и реклама. Будьте дипломатом – так вы сможете избежать последствий возможного конфликта. Различные поездки могут оказаться результативными и принесут выгоду.



Вы можете увлечься воспоминаниями. Не стоит поддаваться настроению и позволять прошлому становиться тормозом движению вперед. От дальних поездок и командировок по работе в середине недели лучше отказаться. Не стесняйтесь использовать обаяние – оно сыграет не последнюю роль в достижении успеха.



Наступает весьма благоприятная неделя для того, чтобы реализовать творческие планы и проекты, основанные на энтузиазме. Возможна удачная поездка, которая укрепит ваше материальное положение. Обходите стороной скользкие и авантюрные предложения, если хотите избежать потерь и разочарования.



На этой неделе перед вами могут открыться новые возможности, а это, в свою очередь, благоприятно для различного рода начинаний, заключения сделок и установления необходимых и полезных контактов. В начале недели возможны сногсшибательные встречи.



В первой половине недели вам придется справляться с делом, которое под силу только вам. Желательно заниматься привычным, хорошо налаженным трудом. Вам стоит максимально использовать благоприятное время для общения и переговоров во второй половине недели.



Относитесь ко всему проще и спокойнее, не берите на себя решение всех задач, которые так или иначе перед вами возникают. Ваши упования исполнятся в тот момент, когда вы устанете надеяться на чудо. Планируйте свои действия до мелочей – это поможет избежать нежелательных ситуаций.



Попробуйте себя в чем-то новом, незнакомом для вас, но ничего об этом не говорите другим, пока полностью не уверитесь в собственных силах. Прислушайтесь к замечаниям и советам коллег и словам друзей. Вам необходимо шлифовать свой профессионализм – на лаврах почивать еще рано.

Табассум



ДАНГАСАЛАР

Бир дангаса ота ўз ўғли билан нима қилишни билмай, уйда ялпайиб ётишибди.

– Менга қара, Жўравой, – дебди отаси. – Ташқарига чиқиб қараб кел, ёмғир ёғаётганмикан?

– Э-э, қўйсангиз-чи дада. Ундан кўра Олапарни чақириб, жунидан ушлаб кўра қолинг, ҳўлми ёки қуруқмикан?!

«БОРИНИ СЎРАЯПМАН!»

Эр:

– Доим пул, пул деяверасан. Ундан кўра мундоқ ўзингга жуда керакли нарса – ақл сўрасанг бўлмайдими!

Хотин:

– Мен ҳам сизда борини сўрайман-да, дадаси!

АЧЧИҒИ КЕЛДИ

Бувиси сигирга сув бераётганини кўрган невара аччиғи келиб деди:

– Во-ой, нега сиз сутни сув билан аралаштираяпсиз?!

ТУШУНАРЛИ ТИЛДА

Доктор қабулига кирган эркак деди:

– Доктор, менга нимадир бўлаяпти. Ишга боргим келмайди, уйда ҳеч нарса қилишни хоҳламайман... Нимага бундай бўлаётганини тушунарли тилда айтиб берсангиз-чи!

– Тушунарли тилда айтганда, бу оддий дангасалик.

– Доктор, азизим, энди шуни лотин тилида ҳам айтинг.

– Нега?

– Хотинимга айтишим учун...

ТААЖЖУБ

Кўзгу олдида соқолини олаётган эр деди:

– Негадир устара соқолимни яхши олмаяпти!

Хотини:

– Вой, нега, ахир у линолеумни яхши кесганди-ку!

«ҲАВАСИМ КЕЛАДИ»


Тиланчи тўладан келган аёлнинг олдига яқинлашиб келди:

– Хоним, мен уч кундан бери ҳеч нарса еганим йўқ!

– Во-ой, сизга ҳавасим келади, – деди уҳ тортиб аёл. – Қанийди, менда ҳам шундай кучли ирода бўлса...

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннесса



Мексика занимает первое место в мире по потреблению яиц. По данным мексиканских специалистов, каждый житель страны потребляет в год 21,9 килограмма яиц, что составляет полтора яйца в день.




Трехлетний ньюфаундленд Бумер, живущий в США, является самой высокой из всех собак на планете. Хозяйка гиганта, Кэрин Вебер, говорит, что он может пить из кухонной раковины, не вставая на задние лапы.



Хайном Вагнером был установлен рекорд в 322,5 км/час на Mercedes Benz SL65 AMG Black Series с двенадцатицилиндровым мотором объемом 6,0 литров, мощностью 670 л.с.. Ему нужно было проехать на этой скорости не менее одного километра.

ДУНЁ НАФАСИ

СУВ ОСТИДА ҲУКУМАТ КЕНГАШИ



Мальдив ороллари вазирлар маҳкамаси илк бор сув остида ҳукумат мажлисини ўтказмоқчи. Бу билан юқори мартабали мансабдорлар жаҳон уммонлари сатҳи кўтарилиши оқибатида Мальдивнинг сув остида қолиб кетиши хавфига дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратмоқчи. Ҳатто Мальдив архипелаги президенти Муҳаммад Нашид сув ости кенгаши вақтини ҳам белгилаб улгурган. Яъни кун тартибидаги қатор масалаларга ечим топиш учун жорий йил 17 октябрида вазирлар океан тубига йўл олишади. Бу ҳақда «The New Zealand Herald» газетаси хабар тарқатган. Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 6 метр сув остида гидрокастюм ва аквалонг кийиб олишган вазирлар атмосферага заҳарли газларни чиқаришни камайтириш тўғрисида бошқа давлатларга ўзига хос мурожаат тайёрлашади.

ИЛК СПОРТЧИ МИЛЛИАРДЕР




Дунёда илк бор спортчи миллиардерлар қаторидан жой олди. Бу сайёрамиздаги энг яхши гольф ўйновчи америкалик Тайгер Вудсдир. «Forbes» журналининг ёзишича, бу маблағни ишлаш учун спортчига 13 йил вақт керак бўлди. Қизиғи бу чўққига спортчи айнан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пайтида кўтарилди.

Миллиардлар сари илк доллар 1996 йилдан жамлана бошланди. Яъни гольфчи турли даражадаги турнирларда ғолиб кела бошлади. Айни пайтгача эса Вудс Профессионал гольф уюшмасининг 70 та йирик мусобақасида ғолиб чиққан. Хусусан, «Мэйджор» туркумига кирувчи 70 та йирик турнирдаги ғалабаси унинг миллиардер бўлишида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумот учун шуни айтиш лозимки, Вудсдан кейинги ўринларда баскетболчи Майкл Жордан (800 миллион) ва автопойгачи Михаэл Шумахер (700 миллион) лар туришибди

ЭНГ ҚУДРАТЛИ ДВИГАТЕЛЬ




АҚШнинг «Ad Astra Rocket Company» компанияси бугун дунёдаги энг қудратли плазмали ракета двигатели(«VASIMIR VX-200»)ни муваффақиятли синовдан ўтказишди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур модель радиочастота генераторидан фойдаланиш ҳисобига зарраларни қиздириб, плазма ҳосил қилувчи мосламалар ичида самаралиси сифатида баҳоланмоқда.

Компания двигателни Халқаро фазовий станцияда 2013 йилда синаб кўриш мақсадида NASA билан шартнома имзолади. Айни пайтда фазовий станцияда йилига 7,5 тонна ракета ёнилғисини сарфловчи двигатель ишлатилмоқда. 10-20 мегаваттли VASIMIR двигатели эса бор-йўғи 0,3 тонна ёнилғи сарфлаши кутилмоқда.

«СИЧҚОНЧА»НИНГ ЯНГИ ПРОТОТИПИ



Янги операцион тизим «Windows 7» ишлаб чиқариш муддати яқинлашгани муносабати билан «Microsoft» компанияси тадқиқотчилари «Mouse 2.0» номли мосламанинг прототипини тақдим этишди. Бу хусусда «CNET» сайти хабар тарқатган. Аниқроғи, мутахассислар компьютер «сичқончаси»нинг бешта прототипини таклиф этишмоқда. Яримшар шаклидагиси ўйин ишқибозларига қўл келиши, «The Cap Mouse» типидагиси ихчамлиги ва ёруғлик манбаига таъсирчанлиги пастлиги, хуллас барча-барчасида замонавий технологиянинг истиқболини кузатишингиз мумкин.

КИБЕРТЕРРОРГА ҚАРШИ БИТИМ



Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи бош котиби Хамадун Туренинг таъкидлашича, учинчи жаҳон уруши киберкенгликлар узра кечиши мумкин экан.

Яъни бунда зарарланган компьютерлар билан қуролланган ҳар бир одам виртуал жангда улкан ҳокимиятга эга бўлиши тайин. Хакерларнинг сўнгги «DDoS» ҳужумлари буни исботлаб турибди.

Бунинг олдини олиш учун Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи киберхавфсизликни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги дастур ишлаб чиқди. Янаги йилнинг охиригача эса ҳар бир мамлакат билан кибертерроручиларни қўллаб-қувватламаслик мақсадида битим имзоланишини таъкидлаган, Хамадун Туре.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ

САЙЁРАМИЗ САДОСИ



29 киши ҳаётига зомин бўлган портлаш

Покистоннинг шимоли-ғарбида содир бўлган портлаш натижасида 29 киши ҳалок бўлди, 40 дан ортиқ киши эса яраланди. Террорчилик акти Сват водийсининг шарқида жойлашган Шангла туманида содир этилди, деб хабар қилади АР агентлиги.

Полициячилар айтишича, бозорда миналаштирилган автомобиль портлаган. Тахминларга кўра, террорчиларнинг ушбу ҳаракати ҳарбийларнинг Жанубий Вазиристонда «Ал-Қоида» ва «Толибон» жангариларига қарши тайёрлаётган ҳужуми билан боғлиқ бўлиши мумкин.



Олим «Ал-қоида» билан алоқада

Катта адрон коллайдерда ишловчи франциялик физик-олим «Ал-Қоида»нинг Шимолий Африкадаги бўлинмаси вакиллари билан Интернет-ёзишма олиб борганини тан олди. Олим ўтган ҳафтада террорчиликка алоқадорликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган эди, деб хабар беради Associated Press агентлиги суд доираларидаги манбага таянган ҳолда.

Ҳибсга олинган тадқиқотчининг «Ал-Қоида» вакиллари билан Мағрибда олиб борган ёзишмасини америкалик мутахассислар қайд этишган. Келиб чиқиши жазоирлик бўлган тадқиқотчи ва унинг акаси Францияниг жануби-шарқида қўлга олинган.



Иена курсини барқарорлаштириш чоралари

Япония молия вазири Хирохиса Фудзии мамлакат ҳукумати миллий валюта – иена курсининг барқарорлиги сақланиб қолишига умид қилади ва бунинг учун барча чораларни кўради деб баёнот берди. Бу ҳақда Xinhua ахборот агентлиги хабар берди.

Унинг сўзларига кўра, миллий валюта курсининг ўзгариб туриши иқтисодиётга зарар келтиради ва Япония маъмурияти иена курсини барқарорлаштириш учун зарурий чораларни кўради. Молия вазири, шунингдек, ҳозирда экспортга жуда боғлиқ бўлиб қолган иқтисодий ривожланиш моделини ўзгартириш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтди.



Жиноятчи 41 йилдан сўнг таслим бўлди

Нью-Йоркда Америка пассажир самолётини қўлга олганлиги учун 40 йилдан ортиқ муддат мобайнида қидирувда бўлган жиноятчи қўлга олинди. 66 ёшли Луис Армандо Пена Солтрен Кеннеди номли халқаро аэропортда ушланган, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС. Солтрен 1968 йилдан буён қидирув органларидан беркиниб юрган. Ўшанда у уч нафар шериги билан Pan American компаниясининг Пуэрто-Рикога йўл олган самолётини қўлга олган. Шериклари ўша вақтларда қўлга олинган, Солтрен эса сўнгги вақтгача Кубада бўлган. Аммо яқинда у АҚШ маъмурларига таслим бўлмоқчи эканлигини хабар қилган.



2020 йилги олимпиада Японияда ўтказиладими?

Японияниинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари мэрлари Тадатоси Акиба ва Томихиса Тауэ 2020 йилги ёзги Олимпиадани ўтказиш учун биргаликда ариза топширишни режалаштирмоқдалар.

Жумладан, сентябрь ойида Мехикода бўлиб ўтган ядро қуроли тарқалишига қарши курашга бағишланган конференцияда Акиба 2020 йилни дунёдаги барча ядро арсеналларини йўқ қилиш учун энг сўнгги муддат деб белгилашни таклиф қилди ва бу кампания муваффақиятини атом қуролидан катта зарар кўрган шаҳарларда Олимпиада ўйинларини ўтказиш билан нишонлаш мумкин бўлар эди, деган ғояни ўртага сурди.



Шекспир ва Бернс буюклар рўйхатига кирмади

8 октябрда нишонланган Миллий шеърият куни шарафига британияликлар миллатнинг энг буюк шоири танловини ўтказдилар. BBC онлайн-сўрови натижаларига кўра, унда адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти лауреати Томас Стернз Элиот ғолиб бўлди.

Ўрта аср метафизик-шоири Жон Донн ва Бенжамин Зефаниюлар Элиотдан кейинги ўринларни эгаллашди. Шуниси қизиқки, дунёга машҳур классиклар – Шекспир, Байрон ва Бернс ҳатто дастлабки ўнлик рўйхатига ҳам киролмай қолган.

(www.NEWSru.com).

ТАРАҚҚИЁТ

Постановление и его исполнение

РАЗВИТИЕ НАУКИ И АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ ИСТОЧНИКИ ЭНЕРГИИ

В книге Президента Ислама Каримова «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана» всесторонне проанализированы вопросы, связанные с модернизацией энергетической системы, сокращением потребления электроэнергии и внедрением эффективных механизмов энергосбережения. Исходя из этого, ширятся масштабы работы по использованию нетрадиционных и возобновляемых источников энергии, применению экономичных и современных технологий.

Как отмечают специалисты, исходя из природно-климатических условий нашей страны, мы обладаем колоссальными возможностями по эксплуатации нетрадиционных источников энергии, таких, как солнце, вода, ветер и биогаз. В Узбекистане в году почти 350 солнечных дней, к тому же немало продуваемых ветром территорий. Такой богатый природный потенциал необходимо использовать по назначению, широко применять на практике высокоэффективные возобновляемые источники энергии, популярность которых растет во всем мире.

Наши ученые ведут работу над проектами по созданию и внедрению современных технологий. Примером тому могут служить изобретения Физико-технического института при научно-производственном объединении «Физика-Солнце» Академии наук Узбекистана, которое считается ведущим в области разработок основ эксплуатации солнечной энергии.

– Непосредственное использование солнечной энергии, изучение физических свойств ее преобразования в тепловую энергию и получение электрической энергии с помощью термодинамических преобразователей, производство высокоэффективных гелиотехнических установок является одним из основных направлений нашей научной деятельности, – сказал заместитель директора Физико-технического института Ильхом Атабоев. – Благодаря проводимым изысканиям сформирован высокий научный и экспериментально-конструкторский потенциал.

Приоритетным направлением научных исследований является разработка и внедрение в практику экспериментально-конструкторских изобретений и идей в области возобновляемых источников энергии. В результате создано несколько установок, функционирующих на основе солнечной энергии. Среди них – фотоэлектрические и водонасосные установки, солнечные водонагревательные коллекторы, двигатель Стирлинга, позволяющий одновременно обеспечивать электричеством и тепловой энергией.

В обеспечении электроэнергией населения, проживающего вдалеке от центральных электрических сетей, немалыми преимуществами обладает фотоэлектрическая установка, разработанная учеными института. Ее составляющая – фотобатарея – питается солнечной энергией и производит электричество, а аккумулятор хранит энергию для ночного времени.

На опытно-производственной линии института налажено производство таких фотобатарей для населения и различных организаций. К примеру, турбаза «Аёзкалъа» в Каракалпакстане оснащена фотоэлектрической установкой мощностью 300 ватт. В Наманганском аэропорту эффективно действует система фотоэлектрического освещения. За последние годы более 40 таких установок отправлены в организации, предприятия и фермерские хозяйства.

По данным исследований, в коммунально-бытовых сетях и населенных пунктах республики при снабжении горячей водой за счет солнечной энергии можно сэкономить до 60 процентов топлива. В ходе изысканий доказана высокая эффективность солнечных водонагревательных коллекторов, созданных узбекскими учеными именно с этой целью. Предназначенная для зданий, сооружений и жилья установка позволяет сэкономить до 80 процентов энергии в летнее время и до 50 процентов горючего осенью и весной.

В обществе с ограниченной ответственностью «Курилишгелиосервис» при институте налажено производство этого оборудования, которое доставляется предприятиям, организациям и фермерским хозяйствам на договорной основе. В системах ирригации и водообеспечения начинают применяться насосы для воды, созданные учеными института. Их основное преимущество – работа на солнечной энергии.

В настоящее время в крупных городах идет процесс децентрализации систем отопления и теплового обеспечения. С одной стороны, это улучшит качество обслуживания потребителей, а с другой – позволит сократить расход энергии, модернизировать рабочий процесс, предотвратить ущерб экологии. В связи с этим возникает необходимость создания автономных агрегатов на основе термодинамических преобразователей. По этому принципу действует и разработанный учеными двигатель Стирлинга. Он может работать как на солнечной энергии, так и природном газе или биогазе. Преимуществом установки является система повторного использования энергии (рекуперация энергии), что особенно экономит ресурсы топлива. Двигатель может обеспечивать теплом и энергией населенные пункты, отдаленные от централизованных энергосетей.

В результате реформ, реализуемых в нашей стране по обеспечению населения чистой питьевой водой, жители отдаленных регионов также пользуются созданными в этом направлении удобствами. Достойный вклад в решение этой задачи вносят и ученые, которые проводят изыскания по внедрению эффективных технологий обеспечения питьевой водой тех регионов, где отсутствуют централизованные системы водоснабжения и электроэнергии. В результате создана маломощная водоопреснительная установка, работающая на фотоэлектрических батареях. Одна из таких новинок под названием «АВУ-100» опресняет в сутки до 120 литров воды. Она достаточно мобильна, за счет чего ее можно перемещать с одного места на другое.

Весомые результаты дают исследования наших ученых, посвященные методам получения биологического газа. В результате доказана возможность эффективного производства биогаза и органического удобрения путем переработки органических отходов. Создана биогазовая установка, перерабатывающая отходы под воздействием анаэробных бактерий, а также спроектирована установка по производству 40 кубометров биогаза в сутки и тонны высококачественных органических удобрений.

Постановление Президента Ислама Каримова от 15 июля 2008 года «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» дает свои результаты в дальнейшем совершенствовании научных изысканий, в частности в физико-техническом направлении, широком внедрении изобретений в производство. В проводимых с этой целью традиционных ярмарках инновационных технологий и проектов активное участие принимает и данное научное учреждение.

На второй выставке инновационных проектов и технологий, прошедшей в Ташкенте 28-30 апреля текущего года, наблюдался высокий интерес к изобретениям ученых этого института. Заключен ряд договоров по реализации солнечных установок и разработок института.

В настоящее время ученые института ведут работу по более двадцати фундаментальным, научно-техническим и инновационным проектам. Особое внимание уделяется внедрению в жизнь методов эксплуатации возобновляемых источников энергии. Достижения отечественной науки в этом направлении, несомненно, послужат дальнейшему развитию нашего общества, повышению благосостояния народа и обеспечению экологической стабильности.

Записала Бахор ХИДИРОВА,
корр. УзА.

ГИЛАМДЎЗЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ва Германия техник ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида "Гиламдўзликда касаначиликни ривожлантириш ҳамда яңги дизайнларни яратиш" мавзуида ўқув-семинари ўтказилди. Унда ҳунармандлар, гилам ишлаб чиқараётган хусусий тадбиркорлар, гиламдўз касаначилар иштирок этди.

Тадбирда миллий гилам ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, бунда касаначилик имкониятларидан фойдаланиш, янги дизайнларни яратиш ҳамда маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, касаначиликни кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар асрлар давомида эъзозлаб келинган ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилояти туманларида қўл меҳнати асосида тўқиладиган нафис ва бежирим гилам тайёрлашга қизиқиш ортиб бораётир. Оқ эн, тўдагул, қўчқорнон, ғажари сингари гиламлар ўзига хослиги билан харижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Воҳада авлоддан-авлодга ўтиб келаётган гиламдўзликни янада ривожлантириш, маҳсулотни экспортга чиқариш учун етарли хомашё ва қулай имконият мавжуд.

– Миллий услубда гилам тўқиш сирларини эгаллаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётир, – дейди Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Термиз тумани ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Шавкат Жабборов. – "Алия-Камолот" хусусий корхонасида ёшларга гилам тўқиш сирларини ўргатиш, турли гиламлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Учқизил, Халқобод, Орол маҳаллаларидаги ўнга яқин хонадонда касаначилар гиламдўзлик билан шуғулланмоқда. Бугунги тадбирда ҳунармандларимиз фаол иштирок этиб, соҳани янада ривожлантириш, янги дизайнлар устида ишлаш юзасидан қизиқарли маълумотларга эга бўлди.

Ўқув-семинар доирасида вилоятда тайёрланаётган гиламлар кўргазмаси ташкил этилди.



Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

ХАРИДОР КЎПАЙМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини сотиш ва қайта ишловчиларга бевосита етказиб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тадбир юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини яққол намоён этади, деҳқонларимиз етиштирган пахта толасини жаҳон бозорида довруғини ошириш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбек толасига бўлган талаб ва эҳтиёж жаҳон бозорида тобора ошиб бормоқда. Бу юртимизда фаолият кўрсатаётган пахтани қайта ишловчи корхоналар зиммасига катта масъулият юклайди. Фарғона вилоятидаги ана шундай саноат корхоналари ҳам буюртмачиларга рақобатбардош ва сифатли маҳсулот етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Риштон туманидаги "Rus-O'zbekteks" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, Учкўприк туманидаги "Хумо-Уч" ип-йигирув ҳиссадорлик жамияти, Бешариқ туманидаги "Kalaroma-Teks", "Мағиат" масъулияти чекланган жамияти каби саноат корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар бугун ташқи бозорда ҳам харидгир. Мазкур корхоналарда ўзбек толасидан халқаро стандартларга мос, сифатли калава иплар ишлаб чиқарилмоқда.

– Хорижий ҳамкорлар ўзбек толасидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини юқори баҳоламоқда, – дейди Учкўприк туманидаги "Хумо-Уч" ип-йигирув ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳромжон Комилов. – 2008 йилда 575 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни Россия ва Туркия мамлакатларига экспорт қилдик. Айни пайтда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрмоқдамиз.

Ўтган йиллар давомида вилоятдаги пахтани қайта ишлайдиган корхоналарда модернизация ишларининг амалга оширилиши бугун ўз самарасини бермоқда. Илгари бир саноат корхонасида йилига 2-3 минг тонна атрофида калава ип тайёрланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 4-5 минг тоннани ташкил этмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

МАДАНИЯТ

В гарнизонных домах офицеров

ВСТРЕЧА С ИСКУССТВОМ

Встреча с настоящим искусством – всегда праздник. А когда есть возможность поговорить с настоящим художником – то праздник вдвойне.



Воспитанники Мехрибонлик уйи города Чирчика – частые гости в Доме офицеров Чирчикского гарнизона. Так, на днях специально для них был организован и проведен благотворительный показ детских фильмов.

А перед тем как пройти в зрительный зал, ребята с большим удовольствием ознакомились с выставкой пейзажной живописи, развернутой в фойе Дома офицеров.

В ознакомлении воспитанников с творчеством чирчикских живописцев принял участие художник Г. Бажажин. Он охотно рассказал ребятам о мире картин, обратил их внимание на наиболее интересные полотна. В ходе экскурсии дети живо интересовались личностью каждого из художников, особенностями их творчества и техники письма, там, где они находят сюжеты для своих произведений и как долго нужно учиться, чтобы уметь так хорошо рисовать. Художник подробно ответил на все детские вопросы, а также поделился с юными гражданами Узбекистана своими творческими планами.

Соб. инф.

РАССОМ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда давом этаётган Art Week Style.uz–2009 санъат ҳафталиги ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, тақдимот маросимлари, ижодий анжуманлари билан жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Миллий санъат марказида очилган Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур асарларининг кўргазмаси ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Юртимизда миллий анъана ва қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, маданият ва санъатни тобора равнақ топтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг изчил механизми яратилган. Бу борадаги эзгу ишлар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида устувор аҳамият касб этади.

Жамғарма томонидан амалга оширилаётган миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган ижодкорларнинг фаолиятини юртимиз ва хорижий давлатларда кенг тарғиб этишга қаратилган лойиҳалар, турли қизиқарли тадбирлар, бадиий кўргазмалар, ижодий фестивалллар, концертлар бунинг тасдиғидир.

Акмал Нурнинг бетакрор ва баракали ижоди юртимиз ва хорижий давлатларнинг санъат ихлосмандлари учун яхши таниш. Рассом асарлари миллий руҳи, ўзбекона жозибаси, томошабинни чуқур мулоҳазага чорлаши баробарида замонавий тасвирий санъат анъаналарига уйғунлиги билан ҳам эътиборни тортади. Буни рассомнинг кўргазмада намойиш этилаётган "Чиннигул", "Уч келин", "Ёнар тоғ", "Кайфият" каби саксонга яқин асарида ҳам кўриш мумкин.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Болалар – келажагимиз

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ – УМИД НИҲОЛЛАРИ

Гулистондаги Болалар шаҳарчасида «Биз Ватан фарзандлари, умид ниҳолларимиз» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ушбу шаҳарчада яшаб, таълим-тарбия олаётган ўғил-қизлар бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолотига, эртанги кун эгаларининг ҳар томонлама баркамол вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилалар фарзандлари, турли сабабларга кўра ота-она меҳридан эрта жудо бўлган ўғил-қизларнинг тенгдошларидан кам бўлмаган ҳолда ўсиб-улғайиши, таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Ана шу мақсадда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида болалар маҳаллалари ташкил этилди. Айни пайтда уларда юзлаб болалар оила шароитида тарбияланмоқда.

Шу йил ишга туширилган мазкур болалар шаҳарчасида ҳам болажонларнинг яшаши, билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. Ҳар бири 7-10 нафар бола учун мўлжалланган ўнта коттежда кичкинтойлар малакали тарбиячилар билан бирга истиқомат қилади. Болалар шаҳарчаси ҳудудида «Меҳржон» боғи, спорт майдончаси, спорт, мусиқа заллари, тўгаракларга эга Маънавият саройи ишлаб турибди.

Тадбир иштирокчилари ушбу шаҳарчадаги шарт-шароитлар, мавжуд имкониятлар билан танишдилар. Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси йўлида қилинаётган ишлар, уларнинг самаралари хусусида сўз юритдилар. Бундай ғамхўрлик ва эътиборга болалар яхши ўқиши, келгусида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб етишиши билан жавоб беради, деб ишонч билдирдилар.

– Ушбу шаҳарча менда катта қизиқиш, беқиёс ҳайрат ва ҳавас уйғотди, – дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳудойберди Тўхтабоев. – Бу ерда ўғил-қизлар учун яратилган имкониятлар, уларнинг юз-кўзларида акс этган хотиржамлик, эртанги кунга ишонч ифодасидан кўнглим фахру ифтихорга тўлди.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан болажонлар учун келтирилган эсдалик совғалари, ўзбек ва чет эл ёзувчиларининг болаларга атаб ёзилган асарлари совға қилинди.

Республика ёш томошабинлар театри жамоаси иштирокидаги қизиқарли томошалар, таниқли хонандалар, бадиий жамоалар ижросидаги куй-қўшиқлар кичкинтойларга бир олам қувонч бахш этди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи – 114.



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Ё. ҲАКИМОВ, капитан Ҳ. МИРЗАЕВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 23400.
Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № J-82-56.